

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Термиз давлат университети

Тарих факультети

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Ахматова Қизларбаснинг

**“ Сурхон воҳасида гиламдўзлик санъати
тарихи” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Бажарди: Тарих факультети
4-курс талабаси
Ахматова Қизларбас.**

Илмий рахбар:доц.Э.Қобилов

**Битирув малакавий иш кафедрадан дастлабки ҳимоядан
ўтди. “_____” – сонли баённомаси “ ” май 2013 йил.**

Термиз-2013 й

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш

**1 – Боб. XIX аср охири XX аср бошларида
Сурхон воҳаси ҳунармандчилиги.....**

**1.1. Чорвачилик маҳсулотлари турлари ва уни
тайёрлаш усуллари.....**

1.2. Гилам ва гиламчилик тарихи ҳақида.....

II. Боб. Гилам тўқиш техникаси ва технологияси.....

2.1. Гилам тўқиш усуллари.....

2.2. Бўяш жараёни.....

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш.

Мавзуннинг долзарблиги. Ўзбек халқи кўп асрлик тарихи давомида анъанавий ҳунармандчилик соҳасида ҳам бебаҳо санъат асарларини яратган. Улар ҳозирги кунда ҳам ўзбек халқи ҳаётининг барча жабҳаларини камраб олган ҳамда маҳаллий халқнинг дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ўзида иомоён этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тadbирлари тўғрисида»ги Фармони¹нинг ижроси эса ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантириш учун, аввало, буюм турлари, шағл ва безаклари, ишлаб чиқариш анъаналарини тарихини мукаммал ўрганишини тақозо этади.

Ўзбекистонда жойлашган қадимий шаҳарлар, уларнинг бунёд этилиши, ривожланиши ҳам ўзигаа хос тарихга эга. “Бу кўҳна тупроқда милодгача ва ундан кейинги даврларда қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳанўз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим - қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради”². Ушбу шаҳарларнинг халқимиз ижтимоий - иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида тугган ўрнини тарихий далиллар асосида ҳолисона ёритиб бериш ҳам мавзунинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Сурхондарё воҳасида жойлашган Денов, Шеробод, Бойсун каби марказий шаҳарлар ҳам қадимий маданият ўчоқларидан бири эканлигини исботланган. Уларни тадқиқ этиш Ўрта осий хонликлари, ҳусусан Бухоро амирлигининг “қолоқ чекка ўлкаси” сифатида тавсифланиб келинган. Сурхондарё воҳасининг маданий ҳаёти, ўзига ҳос анъаналари, тараққиёт даражаси ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш ҳамда эришган ютуқларини кўрсатиб бериш имконини беради.

¹ Каримов И.А. 1997 йил 31 мартда имзоланган фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси.-Тошкент., 1997.- №3.- Б.21-23

² Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Тошкент. , Маънавият. 2008. –Б. 30-31

Ўзбек халқ ҳунармандчилиги ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ушбу анъанавий ҳунармандчилик тарихини ўрганиш ва йуқолиб кетган турларини қайта тиклаш мавзунинг илмий - амалий аҳамиятини оширади.

Ўрта Осиёнинг бир қатор маданий марказларида бўлгани каби Сурхондарё воҳаси маданий марказлари ҳам ўзига хос анъана ва ишлаб чиқариш усулларига эга бўлган ҳунармандчилик мактаблари вужудга келган. Ушбу мактабларда яратилган мақсулотлар ўзининг бетакрор шакл ва безаклари билан ажралиб турган. Уларни илмий жиҳддан ўрганиш, воҳа ҳунармандчилигининг ўзига хослиги ҳамда минтақага хос умумий томонларини кўрсатиб бериш мавзунинг долзарблигини оширади.

Шунингдек, минг йиллар давомида шаклланган ва ўзоқ тараққиёт босқичини босиб ўтган анъанавий ҳунармандчилик соҳаларида эришилган ютуқлардан замонавий миллий ишлаб чиқаришни модернизация қилишда фойдаланиш, ушбу соҳада янги иш ўринларини очиш ҳозирги кунда мавжуд долзарб муаммоларни ечишда катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. XIX аср охири - XX аср бошларидаги Сурхондарё воҳаси ҳунармандчилигининг муҳим тармоғи бўлган гиламчилик тарихи тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида белгиланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX - XX аср бошларида Сурхондарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи мавзусининг ўрганилишига бағишланган барча илмий адабиётларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Ўрта Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилган даврда чоп этилган илмий адабиётлар мажмуаси; 2) Совет даврида яратилган илмий адабиётлар мажмуаси; 3) Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан кейин яратилган илмий асарлар ва тадқиқотлар мажмуаси.

Биринчи гуруҳ адабиётларида Ўрта Осиёга турли топшириқлар билан келган чет эллик сайёҳлар ҳамда маҳаллий муаллифлар томонидан тўпланган малумотлар мавжуд. Уларда Бухоро амирлиги, хусусан, Сурхондарё

воҳаси бекликларининг сиёсий тарихи (Бухоро-Сурхон-Шеробод муносабатлари), ўлкадан олиб чиқиб кетилган хом ашё, ҳунармандчилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар, ўлка аҳолисининг сони, кийиниши, этник таркиби ҳамда ушбу ҳудудда ривож топган хўжалик турлари, хусусан, ҳунармандчилик ҳам қисман ёритиб берилган. Шунингдек, чет эллик тадқиқотчилар эътибори ўлканинг ҳарбий салоҳиятини батафсил ёритишга қаратилган. Шу сабабли улар томонидан ёзиб қолдирилган асарларда воҳа шаҳарларига олиб боровчи йўллар, ҳимояланган аҳоли манзиллари, қўрғонларнинг тўзилиши ҳақидаги маълумотлар тупланган. Ушбу асарларда Сурхон воҳаси ҳунармандчилиги тарихига оид маълумотлар кам бўлса-да, учраб туради.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин мустамлака ҳудудини мукаммал ўрганиш мақсадида бир қатор илмий экспедициялар уюштиради. Ушбу илмий экспедициялар аъзолари Д. Н. Логофет, Н. В. Ханыков, Н. А. Маев, Гинтиллолар Ўрта Осиё, хусусан, Сурхондарё воҳаси шаҳарлари, бозорлари, аҳолисининг этник таркиби, кийим-кечаклари тўғрисида муҳим маълумотлар келтириб ўтишган³. Бухоро амирлиги аҳолисининг анъанавий ҳунармандчилиги тарихига оид эътиборга молик мулоҳазаларни А. Д. Гребенкин, А. П. Хорошхин, Д. Н. Логофет асарларида ҳам учратиш мумкин.

Ўрта Осиё халқлари тарихи, жумладан, минтақанинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари, аҳолисининг этник таркиби, урф-одат ҳамда анъаналари, кийиниш маданияти, турмуш тарзи тўғрисидаги муҳим фикр-мулоҳазалар А. Борнс, А. П. Федченко, П. И. Небольсин, П. И. Пашино, А. Вамбери, Н. Ф. Петровсий, М. Бекчурин, Е. К. Мейсндорф, А. Кун, Л. Ф. Костенко, К. К. Пален, В. И. Масальский ва бошқалар томонидан чоп этирилган асарлардан ҳам ўрин олган.

³ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1,2.—СПб.,1911; Н. В. Ханыков Описание Бухарского ханства.—СПб.,1843; Маев Н. Бухоро хонлиги очерклар. —Т.:2012; Кап.Гинтелло . Сведения по индентатской части соб. в Бухарском ханстве.—СПб.,1886.

Иккинчи гуруҳга киритилган асарлар ичида ёзма манбалар таҳлили асосида ёзилган илмий асарларда ҳунармандчилик тарихига оид муҳим маълумотлар мавжуд⁴. Ушбу асарларда Бухоро амирлиги ҳудудларида ривож топган ҳўжалик турлари, уларнинг тараққийёт даражаси, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳақида маълумотлар жамланган. Ушбу асарлардаги маълумотлардан Ўрта Осиё минтақаси, жумладан, Сурхондарё воҳаси анъанавий ҳунармандчилигининг турли масалаларини ёритишда, умумий ҳамда ўзига хос томонларини кўрсатиб беришда фойдаланиш мумкин.

Совет даврида ўз илмий тадқиқотларига таянган ҳолда илмий асарлар яратган олимлардан В. Г. Григорьев, А. О. Сухарева, Р. Г. Мукминованинг асарларида Ўрта Осиё халқларининг муҳим касб-корлари ҳисобланмиш тўқимачилик ва у билан боғлиқ бўлган ҳунармандчилик турлари, Е. М. Пешерева, М. К. Рахимов, Н. С. Гражданкина, Д. К. Мирзааҳмедовларнинг асарларида кулолчилик, хом ашё маҳсулотлари, иш куроллари, буюм турлари, шакллари, безаклари, ишлаб чиқариш жараёнлари, ижтимоий муносабатлар, ҳунармандчилик уюшмалари тўғрисидаги қимматли фикр-мулоқазалари жамланган.

Г. Л. Чепелелецкая, В. Г. Мошкова ва П. А. Гончарова эса ўзбек халқ ҳўнармандчилигининг энг нафис турларидан бўлмиш каштачилик, зардўзлик ҳамда гиламдўзлик тўғрисида илмий изланишлар олиб борган⁵.

Н. Х. Азизова, М. В. Сазонова, Н. Г. Боронза, Н. С. Содиқова, А. И. Сидоренко, А. Р. Артиков, Р. Р. Раджабов, К. Турсуналиев, Т. Абдуллаев, Д. Фахретдинова, А. Ҳакимов ва бошқалар ҳунармандчилик тарихини мўзей экспонатлари асосида тадқиқ этганлар. Ушбу олимларнинг илмий асарларида металлга ишлов бериш соҳалари, буюмлари, шакли ва безаклари тўғрисида қимматли маълумотлар жамланган.

Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель, В. Л. Воронина тадқиқотлари асосида яратилган асарларда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудлари, хусусан,

⁴ Семёнов А. К. Истории Бухарская мангитов. // Бюлетен. САГУ. Вып. 4.-Ташкет. 1924.
⁵

Сурхон воҳаси маданий марказлари, воҳа шаҳарларининг Бухоро амирлигида тутган ўрни, меъморий обидалари, хўжалик турлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган⁴. П. П. Иванов ва Ҳ.Зияевларнинг асарларида эса Ўрта Осиё шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, қўшни давлат ва шаҳарлар билан олиб борилган савдо-маданий алоқалар таҳлил этилган³.

Совет даврида фаолият юритган яна бир гуруҳ тадқиқотчилар: С. М. Махкамова, Б. Х. Кармишева, Т. Н. Томиналарнинг тадқиқотларида уй шароитида ипакли, пахтали ва чарм-тери маҳсулотларидан матолар, кийим кечак ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари тайёрлаш, уларни бўяш, қайти ишлаш усуллари ҳамда ушбу жараёнда иштироқ этувчи ҳунармандларни касб, машғулотлари тавсифланган .

Мазкур асарларнинг деярли барчасида янги фактик материаллар жалб қилинган бўлишига қарамай, ушбу давр муаллифлари ўз асарларида тарихий воқеликни ёритишда, миллий меросимизга баҳо беришда ҳукмрон сиёсат нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳаққонийлик ва холислик мезонларидан четлашишган. Шу боис, мазкур тадқиқотда ушбу асарларга янгича илмий ёндашув ва холис қарашлар асосида хулосалар чиқарилди.

Учинчи гуруҳга киритилган Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан кейин яратилган илмий адабиётлар ва тадқиқотлар мажмуаси ўзбек халқ моддий-маънавий маданияти тарихини ёритишда беқиёс аҳамият касб этади. Чунки ушбу асарлар илмий, тарихий, холис ёндашувлар асосида яратилган. Бунда ўзбек халқ ҳунармандчилиги, хусусан, Сурхондарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихига доир қатор масалалар ёзма манбалардаги маълумотлар, янги археологик ва этнографик тадқиқотлар натижасида тўпланган моддий манбалар таҳлили ҳамда илмий тадқиқотларда ёритилаётган мавзуга доир фикрлари умумлаштирилган.

Ушбу даврда воҳа тарихига оид қимматли асарлар яратган муаллифлар сирасига Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Шайдуллаев Ш.,

Аннаев Т. бошқаларни киритиш мумкин⁶.

Асқаров А., Пидаев Ш., Шайдуллаев Ш., Аннаев Тлар томонидан яратилган тадқиқотларда ҳам воҳа маданий марказлари тарихи, шаҳарлари тўзилиши, муҳофаа деворлари, дарвозалари, ҳунармандчилик гўзарлари, аҳолисининг касб-кори, воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти, савдо-маданий алоқалари каби масалалар атрофлича ёритилган.

Тарихчи олимлар томонидан сўнгги йилларда ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихига оид янги фикр ва мулоҳазалар билдирилган қатор илмий асарлар чоп этилганлигига қарамай, Сурхон воҳаси ҳунармандчилигининг XIX - XX аср бошларидаги тарихи яхлит ҳолда ёритилмаган.

мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади XIX - XX аср бошларида Сурхондарё воҳаси ҳунармандчилигининг ажралмас бир бўлаги бўлган гиламдўзлик тарихини яхлит бир мавзу сифатида ёзма манбалар, тарихий-илмий адабиётлар, этнографик маълумотлар асосида ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда бевосита қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- мавзуга оид ёзма ва моддий манбаларни ўрганиш;
- ҳунармандчилик тарихини ўрганиш натижаларини умумлаштириш ва янги илмий хулосалар бериш;
- воҳанинг ҳунармандчилик марказларини тавсифлаш;

Тадқиқотнинг **назарий ва услубий асослари.** Тадқиқот ишида муаммога энг аввало умумжаҳон тараққиёти тамойиллари ва мустақил давлатчилик манфаатлари нуқтаи-назаридан ҳамда тарихийлик асосида ёндашилди.

Мазкур ёндашув муаммони холисона, тарихий изчилликда

⁶ Турсунов С. Ва бошқ. Сурхондарё тарихи.—Т:Шарқ,2004, Аннаев Т,Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар.—Т:1997; Турсунов С.,ПардаевТ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси.—Т:2006; шу муаллифлар . Сурхондарё этнографик макон.—Т:2011; Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги.—Т:2012.

умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар нуқтаи-назаридан ёритиш имконини берди. Ёзма, археологик ва этнографик маълумотлар даврий изчилликда қиёсий ва танқидий ёндашув асосида умумлаштирилиб, таҳлил этилди. Тадқиқотда тарих фанининг ўзвийлик ҳамда давомийлик тамойилларига амал қилинди. Шунингдек диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида мустақил давлатчиликнинг иқтисодий тараққиёти омиллари ҳамда миллий истиқлол ғояси илгари сурилган кўрсатмалари муҳим рол ўйнади. Тадқиқотнинг илмий - назарий асосларини бойитишда ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи концепциясида белгиланган асосий йўналиш ва тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилди.

- **Илмий янгилиги.** Мазкур тадқиқотда илк бор XIX - XX аср бошларида Сурхондарё воҳаси гиламдўзлик тарихи яхлит ҳолатда тадқиқ этилди.

I. Боб. XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳаси хунармандчилиги

1.1. Чорвачилик маҳсулотлари турлари ва уни тайёрлаш усуллари.

Чорвачилик Сурхон воҳаси хўжалигида етакчи тармоқлардан бири, аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Чорвачилик маҳсулотларидан, авваламбор, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари тайёрланган. Воҳа аҳли чорвачилик маҳсулотларидан турли рўзғорбоп маҳсулотлар тайёрлаганлар. Бойсун, Шеробод, Денов бекликларининг тоғ ва тоғлди қишлоқларида уй шароитида жундан мато тайёрлаш кенг тарқалган. Жундан чакмон, пайтава, чалбар, турли гиламлар, такинаматлар (такиямат), хуржунлар, халталар, коплар, турвалар, дастурхонлар, қора уйларнинг кигизлари, ички безак анжомлари, уй-рўзғор буюмлари ва иплар (арқон, чилвир ва чижимлар), тивитдан салла, жамалак, фўта, иштонбоғ тайёрланган. Айниқса, воҳада туя жунидан чакмон тайёрлаш кенг ёйилганди.

Чорва жуни (қўй, эчки, туя)ни сифатли ва ўз вақтида қирқишга, яхши жун берувчи қўйларни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, чибаланг қўйлар 2 - 3 кг, саржипаранг қўйлар 3 - 4 кг жун берган.⁷ Қўй киркими амалга оширилгач жунни ювиш, то-залаш, саваш, тараш ва йигириб ип ҳолатига келтириш асосан аёлларнинг юмуши ҳисобланган.⁸ Тирик киркимда олинган қўй жуни яхшилаб ювилиб, титилган ва сабов (заранг, тут ёки бошқа қаттиқ ёроч хивчини) билан саваланган. Сунгра жун тарокца таралиб, урчуқ ёки чархда йигирилган. Жун йигиришда қишлоқ хунармандлари томонидан тайёрланган урчуқдан фойдаланишган.

⁷ Дала ёзувлари. Шеробод. Термиз туманлари. 1998 йил.

⁸ Томина Т.Н. Ткань- и одежда кочевых и полукочевых народов Средней Азии // Традиционная одежда народов Сред-ней Азии и Казахстана. - М.: Наука, 1989. - С.23

Элшунос олима Б.Х.Кармышева урчуқнинг турлари саккизта бўлганини таъкидлайди.⁹ Жунни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш учун куйидаги ишлар амалга оширилган. Қирқиб олингандан сўнг ювилиб, қуритилиб, қўлда титиб чиқилади. Урчуқга жун йигирилиб, сунг калаваланган. Калаваланган иплар тўзитилиб, ранг берилади ва қуритилади. Бўялган иплар ўрмак қилинган ҳолда тўқилган.

Қўй жунидан асосан гилам тўқилган. Гиламдўзлик, археологик маълумотларга қараганда, милoddан аввалги 1-минг йилликдан бизгача етиб келган касб саналади. Соҳанинг асосий хомашё манбаи деҳқончилик ва чорвачиликдан олинган пахта, каноп, зирир ва жундир. Сур-хон воҳасида кадимдан уй шароитида пахта, жун ва канопдан йигирилган ипдан гилам тўқишган. Воҳа аҳли ги-лам тўқишда пахта ва жундан кўпроқ фойдаланган¹⁰.

Гилам тўқишда Шеробод тоғ қишлоқлари аҳолиси алоҳида мавқега эга эди. Улар томонидан коқма, чумчуқли, қатма, тақир, гажари, ой, парча, сабоқ-сикма, ухлоқ сурурма, бибишак, бозори, оқин, турт терма, қиз, жули хирс, арава ва бошқа кўплаб гилам турлари тўқилган. Гиламлар бир-биридан тўқилиши, гулининг жойлашиши билан фарқланган. Таъкидлаш лозимки, гилам қилинаётган иплар бўяладиган ранг соф табиий буёқлар бўлиб, ранглаш ҳам ўзига хос тартибда амалга оширилган. Биринчи сариқ, иккинчи қизил, учинчи гулоби, туртинчи яшил, бешинчи кўк ва охиргиси қора ранг билан бўялади. Оқ ранг бўялмайди, у оқ жундан йигирилади. Ранглаш жараёни ҳам жуда оддий ҳолатда амалга оширилган. Козонга сув ва керакли ранг солиб қайнатилади, рангни яхши олиши учун тўз ҳам солина-ди. Кейин калава қилинган ип солиниб, бир оз қайнатиб олиниб, димланиб, дорга илиниб қуёшда қуритилган. Қуритилган ип яна калаваланган. Гиламларни тўқиш жараёни қуйидагича амалга оширилган.

⁹ Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX - начало XX в.) // Проблемы! типологии в этнографии. - М.: Наука, 1979. -С.257.

¹⁰ Жабборов И. Узбек халқи этнографияси. - Тошкент; Ўқитувчи, 1994. - Б.309.

Дастлаб уч қозик қоқилиб, иплар ранглар тартиби, гилам турига караб ажратилган. Ранглар танланиб, иплар жойлаштириб бўлингач 2 қозикқа тортилиб, сурув боғланади. Кузув билан сурув орасида одерга жойлашади. Урмак кузувни кўтариб туради. Гилам тўқишда оқ, қора орқовлар ишлатилади. Орқов отиб (бошқа ип-нинг кузувга кўндаланг тарзда ўтказилиши) қилич билан тўқилади. Гиламнинг улчамини тўқувчининг ўзи белгилайди. Гилам эни 30 смдан 50 смгача >олатда тўқилади. Кейин улар маълум бир улчамда кесилиб, махсус иплар ёрдамида оддий ёки безак берилган ҳолда тикилади.

Чумчуқли гиламни тўқиш учун гулчуплар ишлатила-ди, гулчуп билан гул кутарилади ва учта гул юқорига, учта гул пастга тушиши натижасида чулчуқли гилам ҳосил бўлади.

Сурхон воҳаси тақир гиламлари билан машҳур, авваламбор, гиламни тўқиш учун қолип олинади. Қолип тайёрлаш мураккаб жараён, бу ишни асосан эркаклар бажаради. Қолип асосан турт қисмдан иборат бўлади. Унинг ўзунлиги 3,5-4 метр, эни эса 2-2,5 метрни ташкил этади. Қолип тайёрлангандан кейин тўрт томонидан қозик қоқиб мустаҳкамланади.

Қолип тайёр бўлгач унинг астари тайёрланади. Астари асосан ипак ёки пахтадан тайёрланади. Астарлик ипи урчукда бир оз йиғириб олинади, бунинг асосий сабаби астар аниқ ва тўқилаётганда чалкашмаслик учун битта гиламга ўртача 3 - 3,5 кг ип кетади. Бу гилам ҳажмига ҳам боғлиқ. Астарлик иплар асосан оқ, кўк ва қора бўлади. Астарлик ипларини Қолипга жойлаш-тиришда уч киши қатнашади. Қолипнинг икки ён атрофига икки киши, ўртасидан бир киши қўлидаги астарлик ипни қолипнинг ён тарафига ўтирган кишилар олдидан, яъни энидан айлантириб олади. Қолипнинг икки ён томонида ўтирган кишиларнинг вазифаси астарлик ипнинг таранглигини таъминлашдир. Агар ип бўш бўлса, гилам тўқилаётганда ноқулайликлар келтириб чиқаради. Қолаверса, рангли ипларнинг кўп миқдорда ишлатилишига олиб келади, чунки астарлик ип қанчалик бўш бўлса, тўқилаётган гиламнинг олдинга силжиши қийинлашади. Астарлик ип қолип ичини қоплагандан кейин қолипнинг икки ён томонига лой сувалари, бундан мақсад ипларнинг бўшаб

кетмаслиги, жойидан силжимаслиги. Мазкур жараён тугаллангандан кейин ипларни кузувга териш жараёни бошланади. Бунда қолипнинг бошланиш жойидан бир метрча масофа белгиланади. Белгиланган масофага ингичка бўлмаган силлиқ ёрочнинг икки учига мустаҳкам қилиб мих қоқилади. Шу михларга таранг қилиб ипак ип ёки бошқа мустаҳкам толали ип борланади. Бу ип асосан кузув ипларни борлаш учун керак. Кузув ипи қуйидагича борланади. Ипнинг боши михга мустаҳкам борланган ипак ипнинг бошига борланади ва астарлик ипларини кузув ипига мустаҳкамлаб борлаш бошланади. Астарлик ипларини кузув ипига битта-битта орада бир ип ташлаб борланади. Орада бир ип қолдиришнинг сабаби тўқиш жараёнида астарлик ипларининг тартибли ҳаракатини ва гиламларнинг икки томони ҳам бир хил чиқишини таъминлаш. Тўқиш давомида ипларнинг ўзилиб кетмаслигига интилиш лозим. Кузув иплари жойлашгандан кейин унинг орқа томонига орқалик деб аталган махсус асбоб ўрнатилади. Бу асбобнинг асосий вазифаси тўқиш жараёнида астарлик ипларнинг қарама-қарши йуналишини таъминлаш. Бу рангли ипларнинг яхши жойлашишига хизмат қилади. Орқаликнинг ўзунлиги қолипнинг эни ўзунлигига нисбатан бир оз қалинроқ агар қолипнинг эни 2 - 2,5 метр булса, орқасининг ўзунлиги 1 метр 80 см ёки 2,3 метрни ташкил этади. Орқалик ҳам силлиқ ёғоч бўлиши шарт, акс ҳолда, астарлик иплари орасида ҳаракатланиши қийинлашиб, иплари ўзилиб кетиши мумкин. Орқаликнинг олдида ва орқага ҳаракатланиши учун икки учига қулай ўзунликдаги иккита итаргич урнатилади. Бу жараёнлар тугагач гиламни тўқиш бошланади.

Тақир гиламнинг жуда кўп хусусиятлари мавжуд. Аммо пахта ипидан тақир гилам тўкилганда энг оддий нусхалари тўқилади, сабаби пахта ипи жун ипидек мустаҳкам эмас. Тақир гиламни тўқишда дастлаб унинг бошланиш қисми тўқилади. Бошланиш қисми тўқиладиганда рангларининг жойлашишига эътибор бериш лозим. Ранглар бир-бирини бўзмаслиги даркор. Гиламнинг турли ранглардан иборат бундай бошланиш қисми «сув йули» деб аталади. Сув йули қисмида 3-4 қават оқ ва қора иплардан урилган қош уюрма деб аталган безак ҳам солинади. У гилам учун ҳам безак, ҳам тез ва чиройли битишини таъминловчи деталдир.

Гиламнинг энг муҳим деталларидан бири унинг икки четидаги четки қора. Бу қисм ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки гиламнинг четки қисми текис, тўғри чиқиши четки қорага боғлиқ. Четки қора қалинлиги 4 - 5 см, унга эчки жуни-дан йигирилган ип ишлатилади.

Тақир гиламни тўқишда темир тароқ ишлатилади. Темир тароқнинг тишлари 13 тагача, унинг тишлари оралиғи тахминан 4 - 5 мм. Тармоқнинг дастаси ёғочдан, темир тишларининг енгил ва нозик бўлиши гилам тўқиш жараёнида ипнинг енгил ҳаракатланишига ёрдам беради.

Гиламнинг сув йули қисми тўқиб булингач қандай нусхалигига қараб унинг бошланғич гуллари солинади. Гуллар шаклларининг ҳажмини тўғри белгилай олиш лозим.

Тўқиш давомида тўқиш учун керак бўлган иплар тўқишда қулай бўлиши учун калавалигида майда тугунча ҳолига келтирилади. Тўқиш бошлангандан кейин тугунчалар бир тарафга қаратиб тўқилиши лозим, агар улар ҳар тарафга қаратиб тўқилса, чалкашлик юзага келиши мумкин.

Тўқиш давомида гилам астарнинг иложи борица бекитиб тўқишга интилиш лозим, чунки бу ҳолат гиламнинг текис ва чиройли чиқишига имкон беради.

Табиийки, гилам тўқилган сайин ўрнатилган кузув ипи ҳамда орқаликка яқинлашиш кўзатилади. Шу сабаб кузув ипи бот-бот орқага силкитиб турилади. Тўқиш жараёнида гиламнинг асосини ташкил этувчи рангли иплардан қилинган тугунчалар ўнг ёки чапга тулиқ бир марта утказилганда орқалик асбоби олдинга ёки орқага сурилади. Тугунчалар, агар астар иплар параллел ҳолда бўлса, ўтказилмайди, таг кесишган ҳолда бўлса, ўтказилади. Гилам тўқилиши қолип охирига 1-1,5 метр қолганда қирқилади. Сабаби, тўқиш охирлаган сайин иш оғирлашади. Чунки астарлик иплари охирлаган сайин тортишиб таранглашади, ўзилиб кетиш ҳолати кўзатилади. Шунинг учун олдинроқ кесилади. Кесилгандан сўнг гиламнинг икки ёнига астарлардан қолган қисмидан икки четига безак берилади. Астарлик иплари 3-4 дона ипдан иборат тугунчалар қилинади, бу билан гилам ипларининг бўшаб кетмаслиги ҳам таъминланади.

Хуллас, тақир гилам тўқиш анча мураккаб жараён, унга ўртача 12 - 14 кг атрофида ип сарфланади. Бу жараёнда албатта бир неча киши катнашади.¹¹

Ҳақиқатан ҳам, Термиз ва Шеробод ҳудудида тўқилган гиламлар нафақат воҳа бозорларида, балки Ўрта Осиёда, Россия ва Европа мамлакатларида машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Хаттоки бир канча гилам турлари Париж шаҳридаги кўргазмаларда юқори баҳоларга эришган.¹²

Шеробод беклиги тоғ қишлоқларида тўқилган гиламларни савдогарлар Қарши, Керки ва Шаҳрисабз бозорларига, ҳатто Амударё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотганлар.¹³

Тақир гилам тўқишда туркманлар анча машҳур эди. Туркманлар гиламдан ташқари кошма (чакмоннинг бир тури) ҳам тўқиб бозорларда сотишган. Кошманинг 1 донаси 5 - брубль 87 тийин нархида баҳоланиб, кўз ойларида бозор кунлари 500 тагача сотилган.¹⁴

Қўй жунидан тайёрланадиган маҳсулотлардан бири тақияматдир. Тақиямат тайёрлашда оқ, қора, кук ва бошқа рангдаги жунлардан фойдаланилади. Жун тозаланиб, титилади ва сабов чуп ёрдамида саваланади.

Саваб бўлингач қозонга солиниб, ҳар хил рангда бўялиб қанор устига ётқизилади. Кейин эса турли гуллар чиқарилади, устига озроқдан иссиқ сув сепилиб, қанорнинг бир четидан ўраб борилади. Ўраб бўлингач билак ёрдамида босиб ва тизза олдида беркитилган харига тортиб уриб пишитилади, бунда асосан ёш йигитлар катнашади. Мазкур ҳолат бир неча марта такрорланади ва маҳсулот тайёр ҳолга келтирилади.

Сурхон воҳаси аҳолиси орасида салла, пайтава, фўта тайёрлаш кенг тарқалган. Қўй жунидан пистин, иссиқ иштон, жундан тайёрланган иплардан эркаклар ва аёллар учун белга боғланадиган боғичлар - кумок, «чумчуклай» навли белбоғлар тайёрланган.

¹¹ Дала ёзувлари. Термиз тумани Қорахон қишлоғи. 2001 йил.

¹² ЎзР МДА. 2-жампарма. 1-руйхат. 37-иш. 1-варақнинг орқа томони

¹³ Полковник Галкин. Военно-статический очерк средней и южной части Сурханской долины // Сб. геогр. топог. и статис. материалов по Азии. Выт. 57. - СПб., 1894. - С.377.

¹⁴ Кап Гинтльто. Индендантские сведения о Бухаре 1885 г. // Сб. геог. топог. статис. мат по Азии. - СПб., 1886. Выт. XXI. - С.27

Айникса, майин қўй жунидан тайёрланадиган босма шол, босма олача кенг тарқалган. Босма олача тикилиши ўзига хос, тикилаётганда ҳар бир қаторга юмшоқ жун игна билан осилтириб тикиб чиқилади, қайчи билан кенг қилиб қирқилган қўй жуни бир текис куриниш олади. Шу сабабли аҳоли уларни босма олача ёки босма шол деб атаган.

Эркаклар устки кийимларидан бири – чолвор асосан жундан бўлиб, иштон устидан кийилган, кўпроқ чорвачилик билан шурулланган воҳанинг тоғ ва торолди қишлоқларида кийишган. Жун ишлатиладиган кийимлардан бири чакмондир. Босма чакмон қўлда тўқилма-ган, у махсус усталар томонидан босма шаклда тайёрланган. Бу хил чакмонлар воҳанинг Денов ва Сарийосиё туманларида кўпроқ тайёрланган. Босма чакмонлар ҳам «оқ босма», «қора босма», «кўк босма», «малла босма» деб номланган. Кўк босма кўк қуй жунидан, мал-ла чакмонлар ислики қора қўй жунидан, оқ чакмонлар оқ қўй жунидан тайёрланган. Чакмонлар тайёрлашда унга албатта эчкининг юмшоқ қили (жуни) ва тивитидан аралаштирилган. Қолаверса, эчки тивити ва туя жунидан тукима чакмонлар тайёрланган. Бу чакмонлар кўпроқ туй-ҳашамларда кийилган. Ёмғир ёғиб ҳўл бўлганда сув ўтказмаслик хусусиятига эга эди. Чакмонлар ўзун ва кенг қилиб тайёрланган ва тўн у стидан кийилган, устидан белбоғ боғланмаган. Воҳада белбоғ урнида эчки қилидан эшилган чилчирай чилвир, ола чижим каби иплар ҳам боғлаб юрилган.

Жундан тайёрланадиган маҳсулотлардан бири эркаклар оёғига ўрайдиган пайтавадир. Пайтава жун ва тивитдан тўқилган, эни 25 см, ўзунлиги 1 метр чамасида бўлган, учиди ўраб боғлайдиган боғи бор эди. Пайтавалар аёллар томонидан ўзунасига ёки энига йул-йул кашталар солинган ҳолда маҳорат билан тўқилган. Пайтаванинг асосий қисми оёқнинг пойча қисмига ўралган. Пайтавалар **ҳам** оёқ кийимларига қараб ҳар хил бўлган. Масалан, этик ёки махси пайтавалар оддий қилиб тўқилган, мукки пайтава куриниб тургани учун рангдор ва попукли қилиб тўқилган.

Чорвачилик маҳсулотларидан тайёрланадиган буюмлар каторига уй жиҳозларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Напрамач кадимда сандик

вазифасини бажариб, олд томони қалин гиламдай қилиб, ён ва орқа томони тақир гиламдай тўқилган.

Сандиқ шаклидаги напратчнинг баландлиги 70-80 см, эни 45-55см, ўзунлиги 1 метр ва 1,10 см бўлиб, оғзининг айланасига жундан эшилган ипдан илгаклар қилинган, кўтаришга қулай бўлиши учун напратчнинг орқа ва олд томонидаги илгаклардан 1 м, 20 смлик таёқчалар ўтказиб қўйилган.¹⁵

Напратч нарсалар билан тўлдирилгач оғзидаги илгаклардан ип ўтказиб маҳкамланган. Устига бўғжомача ўралган бўғча қўйилиб, сўнгра юк йирилган.

¹⁵ Дала ёзувлари. Шеробод тумани Роз қишлоғи. 1998 й

1.2. Гидам ва гидамчилик тарихи хақида .

Сурхон воҳаси ўзининг қадимий ва такрорланмас, ўзига хос этнографик ўлка эканлиги билан ажралиб туради. Буни биргина тўқимачилик саноати: уй жихозлари, наMAT, кигиз, гидам ва гидам маҳсулотлари ҳамда уларнинг тарихи мисолида кўриш мумкин. Хусусан, гидам бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб миллий ҳунармандчилик санъатининг ноёб намунаси сифатида шаклланиб келмоқда¹⁶.

Гидам тўқиш санъати қадимдан кўчманчи чорвадорлар ва қабилалар орасида шаклланган, тараққий этган. Чунки гидамнинг дастлабки намуналари ҳайвон жунлардан тайёрланган. Уни тўқиш учун хонакилаш-тирилган ҳайвонлар: қўй, эчки, туя жунлари олиниб, ювилган. Сўнг маҳсус мослама, яъни жунтароқларда тозаланган. Тайёр бўлган жун маҳсулотларидан пишиқ ип тайёрланган. Турли хил ўсимликлардан олинган табиий ранглар билан бўялгандан кейин хонадон соҳиблари томонидан гидамлар тўқилган. Гидам тўқиш учун маҳсус қурилмадан фойдаланишган булар ҳозирга кунда тоғли қишлоқларда мавжуд бўлиб, адорға, кизув, қилич, сурув, арқон деб номланган¹⁷. Табиий ишлов берилгани сабабли гидамлар ўз рангини ва сифатини ўзоқ вақт йўқотмаган.

Гидам турли жойларга қапа, ўтов ёки уй зоналарининг ҳвжмига қараб турли ўлчовларда, безаклари ҳандасавий шаклда, нилуфар гул ва кенг хошияли, шохдор буғулар тасвири туширилган ҳолда тўқилган.

Гидамнинг пайдо бўлган вақтини айтиш қийин. Чунки жун ёмғирли ва баландҳароратда чидамсиз бўлганлиги туфайли қадимги гидамлар сақланиб қолмаган. Этнографик манбаларга кўра, энг қадимги гидамлар милoddан аввалги 6-5 асрларга оид бўлиб, тоғли Олтойдан топилган. Бу ҳудуд доимий мўзликдан иборат бўлганлиги сабабли гидам ўзоқ муддат яхши сақланган. Тарихчиларнинг тахминича, бу гидам Аҳамонийлар даврида форслар ёки Ўрта Осиёда истиқомат қилган кчманчи қабила (сак, массагет)лар орасида

¹⁶ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.—Т: Ўқитувчи.1994.—Б.309.

¹⁷ Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги. —Т:Академнашр,2012.—Б.221.

тайёрланган. Гидам ҳақида дастлабки ёзма маълумотларни илк ўрта асрларга оид манбаларда учратиш мумкин. Салжукий тарклар давлатининг марказий шаҳарларидан бири Кўняда тўқилган гидамлар Миср, Эрон, Хитой ва Ҳиндистон бозорларида харидоргир маҳсулот сифатида сотилган таъкидланган.

Тоғли аҳоли қадимдан гидам фақат тўшак сифатида эмас, балки совукдан сақланиш учун ҳам фойдаланишган. Ҳозирга кунда ҳам айрим тоғ қишлоқларида қишнинг совук кунларида кўрпа устидан совукдан ҳимояловчи ёпинчиқ сифатида ташланади. Гидамлар жун ва пахтадан жуда зич қилиб тўқилган, қолаверса анча оғир бўлгани боис иссиқ тутати.

Қадим-қадимдан гидамлар меҳнати оғир, яъни кўлда тайёрланганлиги боис сарой ва юқори тоифа амалдорлар доирасида қимматбаҳо маҳсулот ҳисобланган. Шу сабабли сарой ва ибодатхоналарни безашда гидамлардан фойдаланишган. Ушбу жун ва пахта хомашёсидан тўқилган шоҳона гидамлар XVIII-XIX асрларда оддий халқ оасида ҳам кенг тарқалган.

Сурхон воҳасида гидам ва гидамчилик билан боғлиқ ҳунармандчилик саноати кўп йиллик тарихни қамраб олади. Қадимшунос Г.А.Пйначенковнинг маълумотларига қараганда, аجدодларимиз томонидан гидам мил.ав. III-II асрларда оммавий равишда тўқилганлиги эътироф этилади. Бу ҳудудда яшаган аҳоли асосан кўчманчи чорвадор бўлганлиги учун қадимдан гидамчилик билан шуғулланибкелишган. Улар содда қилиб тўқилган шолча (гидамнинг ҳеч қандай гул ёки тасвир тушурилмаган шакли)дан тортиб, тақир гидам, қоқма гидам каби турларини тўқишган. Тарихчи, профессор С.Турсунов Сурхондарё гидамчилик саноати ҳақида фикр юритар экан, унинг тўқима-гулли тўқиладиган; тикма-тайёр тўқилган матоға гуллар босиладиган турларини тилга олиб ўтади¹⁸.

Воҳа ҳудудида гидамнинг патсиз тури ривожланган бўлиб, бундай гидамлар “қоқма гидам” деб аталган. Шунингдек халқ орасида тақир гидам, шерозий гидам, шойиги гидам, гажакли гидам, араби гидам, терма гидам,

¹⁸ Турсунов С., ва бошқ. Сурхондарё этнографик макон.—Т.:Академнашр.2011.—б.62.

ироқи гилам, қоқма гилам, тақир гилам, шол гилам, бозорий гилам, куроқи гилам, терма гилам, ироқи гилам ва бошқа шу каби гилам турлари кенг тарқалган. Ўз навбатида тўқилаётган гиламларга тушириладиган гуллар ва нақшинкор безакларнинг шаклига қараб бир неча турларга бўлиган: олча, қулф-калит, қўзи тиш, тумор гул, чумчук бош, бўри кўз, куроқ гул, балиқ кўз, гулдор, атлас, иттовон каби. Бу номлар билан аталишида рамзий маъно бор, албатта. Масалан, қулф-калит номли гилам бир-бирига қарама-қарши турган шохдор қўчқор калласини эслатувчи тасвир туширилган бўлиб, уй эгасининг эшиги дўстга очик, душманга ёпиклигини билдирувчи рамз ҳисобланган. Бўри кўз деб аталувчи гилам эса хонадон аъзоларини боло-қазодан ва инс-жинслардан ҳимоялаловчи буюм сифатида кадр-лаган, уй тўрида ҳамманинг кўзи тушиб турадиган жойга осиб қўйилган. Безаклари оқ айлана, ичига қора гардиш ва нўқталар туширилган ҳолда тўқилган. Байрамлар, сайиллар, тўй-томошаларда гилам қимат-боҳо соврин ҳамда совға сифатида кадрланган. Қиз ўзаътаётган хонадон эгаси, албатта, унинг сепи учун гилам тўқиши ва безаши кўп йиллик анъана саналади¹⁹.

Мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган анъаналар қайта ривожлантирилмоқда. Республикамизнинг ҳар бир вилоятида ўлкашунослик мўзейлари ташкил этилиб, унга қўли гул халқимизнинг маъданий мероси жамланмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ягона бўлган вилоят ўлкашунослик мўзейининг этногрфия бўлимида жун ва пахта толасидан тўқилган гиламларнинг кўплаб тури сақланмоқда. Улар орасида кашталар билан безатилаган тўқима гиламлар, йигит ва қиз, кийик тасвирлари туширилган жун гиламлар, тақир гиламлар, тўқимачилик маҳсули бўлган ҳуржун, қоштакхалта каби халқ ҳунармандчилиги билан боғлиқ экспонатлар талайгина.

Мўзейлар ўсиб келаётган ёш авлод вакилларнинг дунёқараши, миллий мафқурасини шакллантириш, халқимиз орасида тобора йўқолиб боораётган

¹⁹ Турсунов С., ва бошқ. Сурхондарё этнографик макон.—Т.:Академнашр.2011.—б.64.

миллий меросимизни сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш, шу орқали ўзлигини англашда маънавий-маърифий маскан саналади.

Ҳар қайси халқнинг гиламдўзлик соҳасининг техник ютуқлари ўзига хосдир. Бу асосан гилам тўқиш учун ишлатиладиган хом ашёга бўйша ишлатиладиган материалларга боғлиқ.

XIX аср охири XX аср бошларида гиламдўзликдаги асосий хом ашё қуй жуни ҳисобланган. Бошқа турдаги жунлар (эчки, туя) шунингдек, пахта толасидан ва ипак матосидан йиғирилган иplar гиламдўзликда ёрдамчи маҳсулот сифатида ишлатилган. Ўрта Осиё гиламдўзлигининг хусусиятлаига тўхталсак, маҳаллий жунлардан ишлатиш асосида уйда ёрдамчи хўжалик сифатида ёки ўз хонадонидан гоҳо қўшниларнинг маҳсулотлари эвазига тўқилган. Гиламдўзлар умуман Россиядан келтирилган жун турларидан фойдаланиш-маган. Бироқ Афғонистон, Эрон ва Шарқий Туркистон (хутан, кучар, жульчин, гелъжан ва бадгизча) келтириладиган маҳсулотлар ишлатилган. Кўп ҳолат-ларда ушбу маҳсулотлар савдогарлардан эмас балки чўпонларнинг ўзларидан олинган. Бу чўпонлар Россия ва Бухоро хонлиги ҳукмдорлари билан келишган ҳолатда Туркистон ва Каспийорти ўлкаларидаги ерларда ўз чорваларини (ката хажмли–кўп сонли) боқиб келишганлари вақтида олинган²⁰.

Ўрта Осиёда етиштириладиган жунлар кўп ҳолатларда 70 % юқори навли жунлар келтирилган. Уларни тўқиш, йиғириш ва бўйаш ишлари қийин бўлган. (маҳаллий ва туркман)

Маҳаллий қоракўлчиликнинг жун маҳсулотлари кўпол ҳисобланган. Зеро бу Бухоро қоракўлчилигидаги етиштириладиган зотлар энг сифатли жунлар қаторига кирсада, ярим лўпол (ярим майин) турли жунли қўй жунлари жуда кам бўлиб, улар фақат мамлакатнинг жанубий ҳудудларида кўзатилган.

Ингичка жунли қўйлар Ўрта Осиё ҳудудида фақат XX аср бошларида тарқала бошлади. Улар асосан Қирғизистоннинг марказий туманларида

²⁰ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. –Т:Академнашр,2012.–Б.183

шунингдек руслар яшайдиган, қишлоқларда учрайди. Бироқ бу жунлар тайёрлов фирмаларига сотилган ва маҳаллий бозорга чиқарилмаган. Шунинг учун гилам тўқишда ингичка навли маҳаллий жун турлари ишлатилмаган. Гилам тўқишда маҳаллий деталлар, жуннинг мустаҳкамлигига, ўзунлигига рангига ва ялтироқлигига қараб танлашган.

Жуннинг мустаҳкамлиги ва тўқишга қулайлиги шунингдек тўқиш жараёнида ўзилмаслик ҳолатидаги жун турлари гилам тўқиш жараёнида бирмунча қулайликлар туғдирган яъни кам ишлов беришни талаб қилган. Жуннинг ранги ката аҳамият касб этган. Гиламдўзлар ёрқин тусли (рангли) жунларни танла-ганлар ва хохлашганлар. Асосан оқ рангли жунларни кўпроқ танлаган. Чунли бошқа рангдаги жунларни бўяш қийин ҳисобланган. Улардан ўзлари хохлаган тусли рангни чиқара олишмаган.

Қизил рангли хом ашё тайёрлаш учун оқ рангли жун танланган. Хатто малина рангли ҳамда сариқ рангли маҳсулот тайёрлашда ҳам оқ жундан фойдаланилган. Чунки бошқа табиий рангли қўй жунлари уларни қизиқтирмаган.

Оқ жунли қўй жунлари қаттиқ ва йигириш, тўқишда бирмунча кўполроқ, қаттиқроқ бўлса ҳам ундан кўп ҳолатларда фойдаланилган.

Жуннинг асосий сифатлилиги унинг ялтироқлигида ҳам ҳисобланади. Ўрта Осиё жунларининг сифати турлича. Бухоро (қоракўл) жунлари бир турли ва тоза ҳисобланган. Бироқ унинг ранги ялтироқлиги жихатдан паст даражада бўлган ва ёрқин ранглар кам кўзатилган. Шунинг учун гиламдўзлар ўндан кам фойдаланишган. Гиламдўз усталар асосан Туркман қўйлари жунларидан оммавий тарзда кенг фойдаланишган.

Уларни асосан ранги учун қимматли ҳисоблашган. Шунингдек, Туркман қўй жунлари ўзилиб кетиш даражаси ҳам паст бўлган. Шунингдек гиламдўзликда энг қулайи ҳисобланган. Ҳақиқатан, ҳам Сурхон воҳаси гиламчилигида чибаланг ва туркман қўйлари жунидан кенг

фойдаланишган. Чибаланг қўйлар 2-3 кг, саржипаранг (туркман қўйи) 3-4 кг жун берган²¹.

Ўлкада етиштириладиган жунларнинг сифати Туркманларнинг қўйлари жунларидан кўра ёмонроқ деб ҳисобланган (ноқулай) фақат маҳаллий оқ рангли қўй жунлари ишлатилган. Бироқ маҳаллий жун навларидан Ўрта Осиёда юқори навлари ҳам бўлган. Шулардан Қозоғистоннинг Мерке туманида боқиладиган қўй жунлари асосан ажралиб турган. Бу навлардан Фарғона водийсида, Тошкент, Самарқандда фойдаланишган.

Қашқадарёлик гиламдўз усталар маҳаллий маҳсулотлардан палас, кигиз тўқишганлар. Бу соҳада Қашқадарёлик араблар ажралиб турган. Уларнинг маҳсулотларида ҳам оқ рангдан кенг фойдаланганлар. Қашқадарёда Бухоро қоракўл тери берадиган қўй турлари кенг боқилган ва улардан юқори навли маҳсулот олишган.

Фарғона водийси тўқивчилари сифатли маҳсулотлар тайёрлашда маҳаллий маҳсулотлардан кўра Шарқий Туркистоннинг кўчар, хутан ва бошқа ҳудудларидан маҳсулотлардан кенг фойдаланишганлар. Улар Ўрта Осиёда боқиладиган қўй жунларидан кўра сифатлироқ ҳисобланган. Бухоро хонлиги жануби — ғарбий ва Каспий ортидаги туманлари аҳолисининг туркмен эрсари аҳолиси яшайдиган ҳудудларда Туркман қўйлари жунидан кенг фойдаланилган. Бу жун гиламдўзликда энг яхшиси деб ҳисобланган.

Асосан туркманларнинг Хорчи турли қўйлар жуни энг қимматли ҳисобланган. Тахта — Бозор атрофидаги қишлоқларда туркманларнинг - пендинча қўй тури жуни энг сифатли жун ҳисобланган. Унинг жуни ёрқинлиги ва оқлиги билан ажралиб турган. XIX асрнинг охирида ушбу қўйлар бутун Пендин хавзасидаги қишлоқларга кенг тарқалган эди. Туркмен пендин гиламларининг донғи асосан юқори сифатли маҳсулотлардан тайёрланганлиги учун кенг тарқалган.

Бухоро хонлигининг Марказий ва ғарбий туманларида (ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида) қўй жунларидан ташқари йиғириш

²¹ Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги. —Т:Академнашр, 2012.—Б.219.

қулай бўлган туркман (кади ёки гади) қўйлари жунларидан кенг фойдаланилган. Ушбу қўй жуни юмшоқлиги, мустаҳкамлиги ва катта миқдорда оқ ранга эгалиги билан ахамиятли ҳисобланган.

Шомуд (ёвмуд) гиламдўзлари асосан долак ва ширек қўй зотлари жунидан кенг фойдаланган. Туркмен қўй жунлари гиламдўзликда амалда қўлланилиши билан шуҳрат қозонган. Шулардан Ашхабод атрофидаги қишлоқларда ҳеч қачон бошқа ҳудудлардан келтири-ладиган жунлардан гиламдўзликда фойдаланишмаган. Туркмен гиламлари (ушбу ҳудудда тайёрланган) ўзининг сифатлилиги билан энг оммавий ҳисобланган. Уларнинг қўйлари тайёрланган гиламлар қорақўл зотли қўй жунидан тайёрлангандан кўра сифатлироқ ҳисобланган. Рақобатддошлиги билан ҳам туркмен гиламлари ажралиб турган. Булар туркмен гиламдўзлигининг кўп йиллик тажрибасининг устунлигида ҳам ҳисобланган. Сурхон воҳасининг Амударё бўйида яшаган туркман ҳунармандлари гилам тўқишда анча катта тажрибага эга бўлганлар²².

Гиламдўз усталар гилам тўқиш учун зарур бўлган жараёнларни барчасини қўл меҳнати асосида амалга оширган. Тўқувчилар дастлаб тайёр жунлардан йигирилган ипларни бир неча турларга ва навларга ажратганлар. Уларнинг орасидан энг олий навларини ажратиб олганлар, ёмонларини ипга ажратганлар. Қорақўл ёки Бухоро жуни умумий ном билан араби номи остида кенг тарқалган. Улар қўйларнинг насли зотиға қарамасдан умумий ном билан араби деб аталган. Уни асосан Амударё бўйи туркманларида ишлатганлар. Шунингдек, Марв округининг бир қатор туманларида ҳам (Бухоро хонлигининг ғарбида) ишлатганлар. Бурдалик ва Чоршангида Бухоро (қорақўл) тери зотли ва араби номли остидаги зотли қўйларнинг жунларидан тайёрланган гиламлар бозорда ўзининг нафақат сифати билан балки юмшоқлиги қалинлиги ва устидаги патини ўзунлиги билан ҳам барчани қизиқтириб келган. Будалик гиламдўзлари маҳаллий Бухоро

²²Кап.Гинтелло . Сведения по индентатской части соб. в Бухарском ханстве.—СПб.,1886.-С.27.

қўйлари жунларини гиламдўзликда энг олий сифатли деб билганлар. Шунинг учун бошқа туркман эрсариларининг гиламдўзларига маҳаллий қўй зотлари жунларини яхши ишлов беришни эплай олишмаганликда айблашганлар. Чунки юқори сифатли тажриба талаб қилишини алоҳида таъкидлаш керак.

Гилам тўқиш учун қўй жуни бир қанча турга ажратилади. Жумладан қўйнинг кураклари устидаги жунлари, биқин томони ва оёқларидаги юмшоқ жунлари танлаб олиниши керак.

Гилам тўқишда Ўрта Осиёликлар қўй жунидан ташқари эчки ва туя жунидан ҳам фойдаланганлар.

Эчки жунидан тўқилган гиламлар асосан уйда (ўз рўзғорларида) ишлатиш учун ишлаб чиқилган (тўқилган). Баъзида тежаб қолиш мақсадида унга қўй жуни ҳам аралаштирилган.

Туркменистонда эчки жунидан фақат гилам учун зарур бўлган ипни йиғиришда (ип учун) фойдаланишган. Асосан у ипнинг 30%ни ташкил этган. Эчки жунидан асосан XX асрнинг бошларига келиб фойдалана бошлаганлар. Туркманлардан кўра Самарқанд вилояти ўзбеклари ушбу жундан кўпроқ фойдаланишган.

Жуғъхирс деб номланувчи ўзун патли ўзбек гиламларининг асосини эчки жуни ташкил этган. Баъзида ундан устки ипига ҳам ишлатилган. Туя жуни юқори даражада баҳоланган. (Гиламдўзлар орасида). Ундан маҳаллий шал тайёрлаш учун ишлатганлар. Бироқ у жуда кам ишлатилган. Қирғизларнинг қадимий буюмларида, келин сарполарида туя жунининг мустаҳкамлиги учун ишлатганлар.

XIX асрнинг охирларига келиб туя жунининг камлиги учун хўжалик ишларида айниқса гиламдўзликда ишлатиш тўхтаб қолди. Ўрта Осиёлик гиламдўзлар туя жунининг момик пати учун (юмшоқ тилларанг таббий) ва кичик жихозлар учун ишлатишганлар.

Сурхон воҳаси ўзбекларининг қадимий буюмларида усталар фон бериш учун туя жунидан фойдаланганлар. Ўрта Осиёда қаттиқпатсиз

гиламларни тўқишда пахта толасидан кенг фойдаланишганлар. Қимматбаҳо гиламлар тўқишда пахта толасидан жуда кам фойдаланишганлар. Пахта толасидан асосан пахта етиштирувчи Шеробод, Денов беклиги аҳолиси гилам тўқишган. Бу асосан Синьдзянга чегарадош ўлкалардан ўтиб келган. Уларда жуда қадимдан пахта толасидан фойдаланишган. Сарреklar ва ёвмудлар оқ толадан умуман гилам тўқишда ишлатмаганлар. Ундан фақат оқ ва момиклиги учун пахмоқ патли безакларда фойдаланишган. Ўрта Осиёнинг баъзи вилоятлари ва туманларида гиламдўзлар асосан туркманлардир.

Ипакдан декоратив хусуиятлари, кучли ялтирқлиги ва оппоқ туслиги учун ҳам фойдаланишган. Бироқ ҳеч бир жун тури ипак толаси каби ялтироқлик хусусиятларига эга эмас. (хатто ангор эчкилари, инглиз ўзун жунли қўйлари, ёш қоракўл қўзи жуни ҳам).

Ипакдан гиламдўзликда ҳеч қачон тўлиқ фойдаланишмаган. Фақат айрим пардозли жойларига ишлатилган. Айниқса туркманлар гиламдўзликда ипакдан фойдаланиш умумий урф бўлмаган ва анъанага ҳам кирмаган. Ипак толасидан Фарғона водийси қирғизлари, Бухоро ва Самарқанд водийси ўзбек қизлари гиламдўзликда бирмунча фойдаланишганлар. Юқори тараққий этган гиламдўзлик туманларида туркмен қизлари толадан, ипакдан ва туя жунидан ип тайёрлашда фойдаланишган.

Бадий санъатда тўқувчиликда ишлатиладиган ўтказиладиган ип жуда ингичка ва ўзилмайдиган ингичка ҳолатда бўлиши керак. Шунинг учун гиламдўзлар бу ипни тайёрлашда биринчидан ипни жуда ингичка қилиб йиғириб уни бошқа турдаги яъни, туя жуни, қуй жуни (майин қисми) ипак ва пахта тодаси билан аралаштирган. Бу барча санаб утилган маҳсулотлар ёрдамчи маҳсулотлар ҳисобланганю асосий манба қуй жуни ҳисобланган. Барча гиламдўз усталарнинг таъкидлашича гилам туқишда қўй жунининг баҳорги қирқимидан олинган жундан фойдаланишган. Чунки бу жун ҳам ўзун, ҳам майин, ҳам тайёрлаш жараёнида кам қайишқоқолиги яъни чатишиб кетиш ҳолати паст бўлиши, ялтироқлиги юқори бўлганлиги учун тўқишда қулай ҳисобланган.

Ёвмут гиламдўзлари эса гиламдўзликда қўй жунининг кўзги қирқимидан фойдаланишган.—Шунинг учун бўлса керак Ёвмўт гиламдўз тўқувчиларининг гиламлари туркман ва Ўрта Осиё (Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Фарғона водийси) гиламлардан сифат жиҳатидан анча паст турган. Ўзбекистонлик ва Қирғизистонлик гиламдўз усталар кўзги қирқимда олинадиган қўй жунидан унинг мустаҳкамлиги учун маҳсулотларни қўполроқ турларга ишлатишганлар. Масалан гиламнинг асосига яъни жун ўтказиладиган асос ипларга.

Гиламдўзлик учун асосий манба ҳисобланган хом аш ё манбаси бўлган қўй жуни тури олинадиган қўйлар қирқимдан олдин алоҳида ажратиб олинган ва алоҳида эътибор билан боқилган. Бу ҳолат яъни қўйнинг озиқланишининг яхши бўлиши айниқса жуннинг сифатли бўлишига ёрдам берган ва айнан шунга қараб сифатли белгиланган. Чунки озгин қўйнинг жуни биринчидан ёғсиз иккинчидан қуруқ ва ўзилиб кетиши осон бўлган.

Қўй жунини қирқишдан аввал қўйларни дастлаб бир неча бор сувга солиб ювишган, юқори сифатли тоза жунни олиш учун амалга оширган. Сурхон воҳасида гилам тўқишда асосан тирик қирқим жунларидан кенг фойдаланилган. Бу қирқим асосан 20 августдан 10 сентябргача ўтказилган.²³

Гиламдўзлар доимо кам меҳнат талаб қилиши, ялтироқлиги, эгилувчанлиги ва кўп чиқиши учун ҳам хайдов жунидан фойдаланишни кўпроқ хохлашганлар. Фақат айрим кам ҳолатлардагина ювилмаган қўй жунларидан фойдаланишганлар (хайдов жунлари бўлмаган ҳолатларда). Жунни катта лоҳанларда (охурда) совуқ сувда оқар сув олдида ювишганлар. Жунни бирмунча муддат ивитиб қўйганлар, яхшилаб ишқалаб кейин жунни сиқишганлар. Шундан кейингина уни қуриштириш учун офтобга чиқаришганлар. Жунни ювиш жараёни турли ҳудудларда турлича кетган. Масалан Қашқадарё араблари, Амударё бўйи туркмен қизлари (гиламдўз) дастлабки ювишни қилмасдан тайёр маҳсулот (ипларни) яъни йигирилган ипни ювганлар. Сурхон воҳасида тирик қирқимда олинган қўй жуни яхшилаб ювилиб, титилган ва

²³ Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги. —Т:Академнашр,2012.—Б.200.

сабов билан саваланган.²⁴ Жунни тараш иши энг асосий тайёрлов жараёни ҳисобланади. Жунни чигилини ёзиш, тараш, турларга ажратиш, ўзунлиги бўйича тахлаш ишлари амалга оширилган. Буларнинг хаммаси битта тарок яъни тараш мосламаси ёрдамида, бу фабрикаларда ишлов бериладиган жунларни, бир қанча мураккаб ишлов берадиган дастгоҳларни вазифасини бажаради. Жунни тарайдиган дастгоҳ (туркманча –йундарак , ўзбекча-тарок) икки қаторли ўткир темир тишлардан иборат бўлиб у ёғочга ўрнатилган бўлади. Бир –бирига нисбатан ўткир бурчак остида жойлашган. Туркменистонда жўн тайёрлашда тарокни барча гиламдўзлар кенг миқёсида ишлатишганлар. Ўзбекистонда ва Қирғизистоннинг жанубий туманларида тарокдан кам фойдаланишган. Тарокни ўрнини Ўзбекистонда ва жанубий қирғизистонда қўл билан ёзишганлар ёки ювиш жараёнида ўзун савок чўплар билан уриб ёзишганлар. Қарши араблари жунни тараманлар балки уни йигиришганлар бўлакларга ажратиб. Сурхон воҳасида ҳам жун асосан тарокда таралган. Жунни йигириш жараёни оддий уйда тайёрлов жараёнида қуйдаги ҳолатда амалга оширилган.

1. Уста жунни бир қисмини олиб тарокқа солишган бунда тарокнинг иккала қисмидан қисмидан фойдаланишган ва уни турли томонларга тортган (иш жараёни иккала қўл ёрдамида амалга оширган).

2. Чигили ёзилган жун маҳсулотини йўналишига қараб текислаб тозалаб тарокдан ўтказишган.

3. Тарокда гиламдўзлик учун ишлатила олмайдиган калта жун толалари кетган. Шундан сўнг тайёр таралган жунларни турларга ажратиб олишганлар (аҳамиятига қараб).

Бу ҳолат туманларга қуйдагича тақсимланган.

1. Қаттиқ ўзун жунлар кичик хажмларда, булар асосан устки қисмларда ишлатиш учун ажратилган.

²⁴ Томина Т.Н. Тканы и одежды кочевых и полукочевых народов Средней Азии.—М.:Наука,1989.—С.231.

2. Юмшоқ ва тўлқинли унча катта бўлмаган шишиб турувчи кўринишли қисми, бу асосан гиламнинг устки майин бўртиб чиқадиган қисми учун ва ингичка игнадан ўтказиладиган иплар

3. Жуда юмшоқ ва калта пux (хурпайган қисми) бу гиламдўзликда тўғри келмайди.

4. Иккинчи қисмини жунни усталар қўшимча тарзда яна жаратиб тахлаган. Уларнинг орасидан энг майин ва юмшоқ қисмини иргичка игнадан ўтадиган ип учун, асосан гиламнинг устки қисми ва ўраладиган бир хил сифатли жундан тайёрлашган.

Тайёр бўлган сиқимларга ажратилган жунни ўша тароқ ёрдамида яна (аввалги ҳолатда) тароқдан ўтказишадилар. Бунда асосий эътибор тараладиган жунларнинг миқдори ва ўзунлиги бир хилда бўлишлиги керак. Тенглаштирилиб таралган жунларни тароқдан олиб уларни қўл билан астагина боғлаб қўйилган, уларни йигиришга тайёр қилишган. Жун йигиришда қишлоқ ҳунармандлари томонидан тайёрланган урчукдан фойдаланишган. Элшунос олима Б. Кармишева урчукнинг турларини саккизта бўлганлигини таъкидлайди²⁵. Урчукда жун йигирилиб, сўнг калааланган. Бу билан гилам тўқиш учун хом-ашёнинг биринчи босқичи тугайди..

²⁵ Томина Т.Н. Тканы и одежды кочевых и полукочевых народов Средней Азии.—М.:Наука,1989.—С.220.

II.Боб. Гилам тўқиш техникаси ва технологияси

II.1. Гилам тўқиш усуллари

Гилам тўқиш Ўрта Осиёда XX бошларигача ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Барча тўқиш мосламалари деярли тайёрланиши жиҳатдан бир хил бўлган. Фақат тўқиш дастгоҳларини ёғочларини қалинлиги, ўзунлиги, калталигидан фарқ қилиши мумкин. Шунингдек тўқиш дастгоҳи унчалик такомиллашмагандир. Унинг тўқиш мосламалари жуда оддий ҳисобланади.

Тўқиш мосламаларининг оддийлиги тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифатлилигига таъсир қилмайди. Ҳатто шундай оддий дастгоҳлар билан бунақангги сифатли, ажабланарли гиламларни тўқиш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Ҳатто гилам патини кесадиган қайчилар ҳам жуда оддийдир.

Станоклар (дастгоҳлар) горизантал ҳолатда турган. ¹⁰⁴ Икки ҳолда ингичка ҳолатда тўқиладиган ва кенг ҳолатда тўқиладиган дастгоҳлар бўлган. Ингичка ҳолатда тўқиладиган дастгоҳларларда энсиз гиламлар тўқиш учун ишлатилган. Ингичка ҳолатда тўқиш дастгоҳи кўчманчиларга тегишли бўлган. Керак вақтда уни осонгина йиғиб олиш мумкин бўлган ва қийинчиликсиз бошқа жойга кўчиришган. Уни албатта уй ичкарисиди эмас ҳовлида қуришган. У 6-7 метр (10-15)гача жойни эгаллаган.

Кенг усулда тўқийдиган дастгоҳлар уни бир жойга ўрнатишган.уни кўзғаш ёки кўчириш жуда мураккаб жараён. Буни бир неча ойда бўзиб олишган иш тугаганидан сўнг. Бу дастгоҳларни албатта яшаш уйларида ёки юртларда (қора уйларда) ичкари хоналарда барпо этишган. Агар уни ҳовлида қуришса унда унинг устига новес қуришлиги зарур бўлади. Бунақа новесларни қуриш асосан Туркменистондакенг тарқалган.

Туркменистонда гилам тўқиш дастгоҳларини текис силлиқлаган ёғочлардан тайёрлашади. Бир-бирига ёғоч томонлари бир текис ва тикис ҳолатда бириктирилган бўлади. Асосини жуда тўғри ва зич ҳолатда тортишади. Дастгоҳни тўғри жойлаштирилиши туркманларда гиламни сифатли ва бир текис, чиройли тўқилишига имконият беради дейишади

усталар. Дастгоҳ асос ипини бир текис тортиб турган ҳолатида йирик мусиқа асбобига ўхшаб кетади.

Туркменистон, Ўзбекистон ва қарши арабларининг гиламдўзлик билан шуғулланувчи туркманларида жуда сифатли маҳсулотлар тайёрланган. Асос иплари тўғри ва текис сакланиши учун дастгоҳни бир жойдан қўзғатишмаган.

Ўрамни қўл билан ўтказишган. Гилам тўқиш (патли ва патсиз гиламларни) санъати турлича ҳисобланади. Гиламнинг усти қисми силлик чиқиши ипларни қалинлиги ва бир текис тўқилишига боғлиқ. Юмшоқ патли гиламларни қўшимча пат қисми учун алоҳида ип тайёрланади. Ҳар гуруҳнинг ички қисмида ўзига хос техник усуллаи бор. Гиламда турли тасвирлар чиқариш учун турли рангли иплардан фойдаланишади. Пат учун ўтказиладиган иплар гиламга асос иплардан ўтказилиб кичик боғлам ҳосил қилиб тўқилиб кетаверади. Боғлам қўл билан ҳосил қилинади.

Патли гиламларда ҳосил қилинадиган (ўзор) тасвирлар критик тарзида санаб берилади. Ҳар бир тўқувчи аёл уста бир йўналишда қатъий ҳисоб асосида турли рангдаги пат ипларни ўтказиб беради. Гиламда керакли гуллар тасвирлар бўлишлиги учун уста гиламдўзлар аввал тўқиган гиламларига қараб тўқиши ҳам мумкин ёки пухта в ааниқ ҳисоб-китоб талаб қилинади. Доимо ҳар бир боғлам жуфт иплардан ўтказилади, баланд ва пастдаги ипларга боғланади. Шунинг учун боғламлар кўриниб сезилиб туради. Фақат битта гилам тури бирмунча силлик ва текис кўринади. Гиламни кичик пат боғламлари фақат тепа қисмидаги жуфт иплардан ўтказилганлиги учун сезилмай туради.

Пат боғламлари Ўрта Осиёда икки хил бўлади.(туркман-дуочитли) яъни иккиталик ва бир яримталик. Буни ўша яшайдиган ҳудуд аҳолиси анъаналаридан келиб чиқиб танлашган. Масалан Ўрта Осёликлар бир яримталик чизма асосида тўқишни афзал кўришади. Бундан туркманлар кўпроқ фойдаланишади. Шунингдек қорақалпоқлар, қozoқлар в ақирғизлар ҳам фойдаланишганлар. Икки боғлам (дуочитли) икки читма усулидан ўзбек гиламдўзлари фойдаланишганлар. Ўзун патли гиламлар жулхирс деб аталиб

унга кўпроқ ип талаб қилинади. Бунақа гиламлар Пахтабозор туманидаги сариқ қабилаларида (туркманларда) ва ёвмуд қабилаларида кўпроқ учрайди. Қоарқалпоқларда ҳам шу ҳолат кўзатилади. Туркменистоннинг барча туманларидаги гиламдўзликда иккичитмалик яъни икки тугунлик патли гиламлар жуда кам учрайди, учраса ҳам иккичитмалик бутун гиламда тўлиқ ҳолатда бўлмайди. Баъзи жойларида фойдаланишади, керак жойларида деярли читма усулидан тўлиқ фойдаланишади. Гиламнинг мустаҳкам чиқиши учун икки читмалик усул гиламнинг четки қисмлари мустаҳкам чиқиши учун фойдаланилади. Читманинг охирида яъни патни тепа қисмида текис бўлишлиги учун қайчи билан қирқиб текислаб кетилади. Гилам патларини текислаш учун оддий қайчилардан фойдаланилади. Ушбу қайчилар қўлда устахоналарда тайёрланади. Бу қайчиларнинг кесиш қисми ҳам ўзгачароқ бўлиши керак.

Кўпчилик туманларда патни кесиш жараёни ҳар бир қатордан кейин амалга оширилади. Бу бир мунча тўқиш жараёни муддатини ўзайтиради яъни кўпроқ вақт талаб этади. Ахалтекин туманидаги гиламдўзлар вақтни тежаш мақсадида икки қаторни бир вақтда кесиб кетадилар. Бу усул грём деб аталади ва гилам тўқиш вақтини қисқартиради.

Патнинг баландлиги гиламнинг қалинлигини белгилаб у усталарнинг хохишига ва тўқиладиган гилам ипларининг қалинлигига ҳам боғлиқдир. Агар гилам ингичка бўлса гилам пати ҳам бирмунча пастроқ бўлади. Қалин гиламлар ёвмудларда, қирғизларда, эрсариларда кўпроқ учрайди. Ушбу гиламнинг пат қисми ҳам ўзунроқ бўлади.

Бир қатор пат қисмини боғлаб чиққандан сўнг ундан яна бир қатор оралиқ иплар ўтказилади. Бу гилам усталарида бод келиши деб аталади. Бод келтиришни ҳам икки хил усули бор, бу битталиқ ва иккиталиқ тўқиш дейилади. Иккиталиқ пагондан сўнг бир қатор пат қисми ўтказилади ва у бир томонга қараб ўтказилади. Сўнгра дастгохни силжитилади ип ўтказиб олиб, бод келтириб ипни тортиб ўтказилган ипни қисқартириб олиб тортишади. Бу ипни ўтказиш усули XX асрнинг бошларида қўлланила бошлаган. Гиламдўзларга қулайлиги тўқиш вақтини тезлаштирди. Шунингдек жулхирс

гиламларини тўқишда ҳам ушбу усулдан фойдаланишган.(ўзбекларда) Қадимий туркман гиламларида ва қирғизларнинг махсулотларида XIX асрнинг охирларида ва XX асрнинг бошларида бир хил прогон ўтказиб бод келтириш усулидан фойдаланишадиларю тугун читмани кичкина мослама билан қўл ёрдамида уриб бориб тўкилади. Масалан уч қисмида тароқлари бўлади. У 135°лик бурчак остида ясалган бўлади. Бердо тўзилишига кўра грабель яъни тирнагични эслатади. Унинг номи ҳам тароқ деб аталади (ўзбекча) ёки дарак (туркманча). Ўзбеклар, қирғизлар, қozoқлар тароқни бир бутун тутдан ясаган ёки ёнғoқ ёғочларидан ясаганлар.у бирмунча қўпол кўринади. Қарўи арабларда ва туркманларда тароқларнинг учлари темирдан ясалади.ушлагич дастғoҳлари ёғочдан жуда чиройли қилиб ясалади. Арабларни ишлатадиган тароқлари саккиз тишли бўлади.туркман тароқлаи ўн икки тишли бўлади.бу тароқни маҳаллий темирчи усталар қўлда тайёрлашганларва уни шаҳар бозорлаида сотишганлар. Ташқи томондан тароқ, тароқ тишларинимустаҳкам ушлаб туриши учун колыф шаклидаги махсус темирлар биланбириктирилади. Бу тароқ билан гиламлар тўқилганда ўзига хос гилам жараёнидаги мусиқа товушини келтириб чиқаради. Тароқни ўнг қўлга боғлаб олиб, гиладўз тикувчи усталар бор кучлари билан янги боғланган пат ип тугунчаларини уришади. Бу эса гиламнинг мустаҳкамлигини белгилайди. Шунингдек гиламнинг бир текис тўғри чиқиши ҳам айнан шунга боғлиқ ҳисобланади. Тараққий этган гиламдўзлик туманларида гилам тўқувчилар ҳар ип (пат ипни) боғлаб чиққанларидан сўнг пастки ва устки орасидан бирмунча қалин бўлган ипни ўтказишади, бу эса пахтадан ҳам тайёрланиши мумкин.

Ушбу ипни баслик деб атайди. Патсиз гиламларни тўқиш учун ўтказиладиган пини қилич деб аталадиган махсус ёғоч билан уриб боришади. Унда асосан бод келтириш муҳим саналади. Патли гиламларни тўқиш учун дастлаб бирмунча, патсиз гиламларни қўлланиладиган усулдан фойдаланишади(бир неча қатор тўқиш учун). У асосан гиламнинг четки қисмида кўзатилади. Бу гиламнинг барча томонида барча томонида кўзатилади. Уланинг ораларида патлик, қалин қисми мужассамлашган.

Гилямни тарқаб кетмаслиги учун уста гилямдўзлар гилямнинг четки қисмида махсус тор маҳкам қисмни қилишади. Бу усул турли туманларда турлича ҳисобланади ва гилямнинг мустаҳкамлиги ҳам мана шунга боғлиқдир.

Гилямнинг иккала қисмида ҳам кесиб олингандан сўнг (дастгохдан) бирмунча ип миқдори чиқиб туради. Уларни ҳам бир-бирига боғлаб чиқишади ва иккала томонини айланасига тикиб чиқилади. Гилямнинг тўзилиши ва тасвирлари ҳам ҳар хил. Жуда кўп ҳолатларда маҳсулот тасвирларининг ўхшашлиги жихатдан бир-бирига ўхшаб кетади. Уларни фақат тўқиш усулидан ажратиб олиш мумкин. Бироқ бунақа тарзда ҳам ажратиб олиш мушкул ҳисобланади. Жуда кўплаб мутахассислар ҳам бу борада кўп қинглишганлар. Уни аниқлашда биринчидан пат чатмаларидан (тугунларидан), ўтказиладиган ўрталиқ ипини ўтказилишидан, ён томонларидаги катакчаларидан, патларини тўсиб кетмаслиги учун боғланган боғламларидан ҳам ажратиш мумкин. Бироқ бу ҳам жуда кўп ноаниқликни келтириб чиқаради. Чунки қадимги даврдаги эски турдаги гилямларда барчасида тўқиш жараёни бир хил ҳисобланади. Айниқса бу тукман гилямларида жуда кучли сезилади. Масалан салорлар ва сариқларда (туркман) тўқиш, тикиш тасвиридаги ҳолатлар деярлик бир-биридан умуман фарқ қилмайди.

Бозорларда гилямнинг сотилиш жараёни айниқса XX аср бошларида янада кучайди. Ушбу даврдан бошлаб эски турдаги гилямларга талаб бирмунча кучайди. Шунинг учун гилямдўзлар тайёр тўқиб бўлинган гилямларни тўқиш дастгохидан олганидан сўнг яна қайтадан яхшилаб ишлов беришганлар. Гилямларнинг бозорда яхши сотилиши учун албатта унинг сифати в акўриниши бўлиши керак. Бунинг учун гилямдўзлар жунни ялтироқлигига, ипларни охириги четки қисмларини қайтарзда боғланганлигига, патларининг миқдорига (қалинлигига) қараб танлаб олишганлар. Шунинг учун гилямдўз усталар қуйдаги ишларни амалга оширган. Гилямнинг чап томонини ювишган масалан тупроқ билан, (ишқалаганлар) шунда гилямнинг патлик қисми ялтираб кўриниб турган. Шунинг учун ушбу мақсадда янги

гиламларни оёқ остиларига , кўчаларга тўшаганлар гиламнинг ортиқча ипларини чиқиб туришини йўқотиш учун оловдан ҳам фойдаланишганлар. Бу таваккал қилинадиган иш ҳам гиламдўзликда жуда пухталиқ ва мохирликни талаб қилади.

Ўрта Осиё гиламлари бўйича мутахассис олим С.М. Дуданнинг айтишича мана шу юқоридаги усуллардан мохирона фойдаланиш гиламдўзликда жуда яхши бадиий хусусиятларини ошириб юборади.¹⁰⁹

Бироқ А.А.Семёнов бунга қарши фикрни айтади. Унинг фикрича Ўрта Осиё гиламлари ҳали ҳам мукаммаллашмаган ва уста гиламдўздар ҳанўзгача керакли, сифатли маҳсулотларни олишолмаяпдилар дейди. Натижада тўқилган гиламларнинг айрим ҳолларда патлари ташқарига чиқиб кетмоқда. Эски турдаги гиламларнинг юмшоқлиги ва майинлиги, шунингдек сифатлилиги уларнинг усталари танлаган ипларнинг миқдори, сифати в текислигига боғлиқдир. Уларни бошқа кишилар сунъий равишда ўзгартириб ёки тўқий олиша олмайдилар.¹¹⁰

Патсиз гиламларни кенг ва тор шаклдаги тўқиш икки хил усулда олиб борилган. Гиламларни чиройли ва мустаҳкам чиқишида ипларни юмшоқлиги ва яхши сифатли бўйлишига боғлиқ. Иплар қаттиқлиги гиламни сифатсизбўлиши, гиламнинг ташқи томонида унчалиқ бўлмасда сезилиб қолади. Шунинг учун гиламдўз усталар бунда оқ рангли ёки яхши бўйланган иплардан фойдаланишади.

Бу турдаги гиламларга қоқма (қохма), терма ва ғажари гиламлари киради.бу матолар ингичка, ўзун чизиқлар билан тайёрланган. Ҳар бир ингичка йўлакчада бир қанча 7-8 хил катта кичик турли рангдаги йўлакчалар бор. Бу гиламларда (битта гилам)да бир хил тусда бўлади.(аксарият ҳолларда)

Ўзун тўқилган ингичка дастгоҳдан чиққан гилам бир неча бўлакларга бўлиб кесилади ва бир-бирига бирлаштириб ён томони билан тикилади. Кесиш жараёнидагиланинг ва уй хоналаринингэнига қараб таққослабкесиби олинади. Патсиз гиламлардан турли маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Бундан хуржин, катта қоп, тўшамчи оёқ ости учун ажойномозлар тайёрлаш мумкин. Бу ўзбек

ва тожикларлдакенг кўламда ишлатилади.қоқма гиламлар энг оддий патсиз гиламдар сирасига киради. Ундаги тасвирлар бўялган ипларнинг турига қараб белгиланади. Ушбу гиламлар асосан жун маҳсулотларидан, пахта толасидан йигириб тўкилади. Патсиз гиламнинг орасида энг мураккаблари терма, шойи (ўзбекларда) ҳисобланади. Унда ишлатиладиган иплартурли рангларга бўялади ва қўлланилиши ҳам мураккаброқ жараён ҳисобланади.

Сурхон воҳаси ҳунармандчилигида гилам тўқиш ҳам алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Худди каштачиликда бўлгани каби гиламдўзликда ҳам бу диёрда ўзига хос анъаналар, усул ва услублар жуда қадим замонлардан буён шаклланиб келган. Қувонарлиси эса бугунги кунга келиб гилам турлари кўпайибгина қолмасдан уни турли нақшлар билан безатиш ишлари ҳам анча такомиллашиб, янги-янги мазмунлар билан бойитилган. Қуйида фақат Сурхондарёдагина тайёрланадиган гилам турлари тўғрисида маълумот берамиз. Таъкидлаганимиздек, бу гиламларни тўқиш, ип тайёрлаш, ўриш каби жараёнлар қадимий илдизларга эга. Гиламларни тўқиш жараёни қуйидагича амалга оширилган.

Дастлаб уч қозик қоқилиб, иплар ранглар тартиби, гилам турига қараб ажратилган. Ранглар танланиб, иплар жойлаштириб бўлингач 2 қозикка тортилиб, сурув боғланади. Кузув билан сурув орасида одерга жойлашади. Урмак кузувни кўтариб туради. Гилам тўқишда оқ, қора орқовлар ишлатилади. Орқов отиб (бошқа ипнинг кузувга кундаланг тарзда ўтказилиши) қилич билан тўкилади. Гиламнинг улчамини тўқувчининг ўзи белгилайди. Гилам эни 30 смдан 50 смгача ҳолатда тўкилади. Кейин улар маълум бир улчамда кесилиб, махсус иплар ёрдамида оддий ёки безак берилган ҳолда тикилади.

Чумчуқли гиламни тўқиш учун гулчуплар ишлатилади, гулчуп билан гул кутарилади ва учта гул юқорига, учта гул пастга тушиши натижасида чулчуқли гилам ҳосил бўлади.

Сурхон воҳаси тақир гиламлари билан машҳур, авваламбор, гиламни тўқиш учун Қолип олинади. Қолип тайёрлаш мураккаб жараён, бу ишни асосан

эркаклар бажаради. Қолип асосан турт қисмдан иборат бўлади. Унинг ўзунлиги 3,5-4 метр, эни эса 2-2,5 метрни таш-кил этади. Қолип тайёрлангандан кейин турт томонидан қозик қоқиб мустаҳкамланади. Қолип тайёр бўлгач унинг астари тайёрланади. Астари асосан ипакёки пахтадан тайёрланади. Астарлик ипи урчукга бир оз йигириб олинади, бунинг асосий сабаби астар аниқ ва тўқилаётганда чалкашмаслик учун битта гиламга ўртача 3 - 3,5 кг ип кетади. Бу гилам ҳажмига ҳам боғлиқ. Астарлик иплар асосан оқ, кўк ва қора бўлади. Астарлик ипларини Қолипга жойлаштиришда уч киши қатнашади. Қолипнинг икки ён атро-фига икки киши, уртасидан бир киши қўлидаги астар-лик ипни Қолипнинг ён тарафига утирган кишилар ол-дидан, яъни энидан айлантриб олади. Қолипнинг икки ён томонида ўтирган кишиларнинг вазифаси астарлик ипнинг таранглигини таъминлашдир. Агар ип бўш булса, гилам тўқилаётганда ноқулайликлар келтириб чиқаради. Қолаверса, рангли ипларнинг кўп микдорда ишла – тилишига олиб келади, чунки астарлик ип канчалик бўш булса, тўқилаётган гиламнинг олдинга силжиши кийин-лашади. Астарлик ип қолип ичини қоплагандан кейин қолипнинг икки ён томонига лой сувалади, бундан мақсад ипларнинг бўшаб кетмаслиги, жойидан силжимаслиги. Мазкур жараён тугаллангандан кейин ипларни кузувга териш жараёни бошланади. Бунда Қолипнинг бошланиш жойидан бир метрча масофа белгиланади. Белгиланган масофага ингичка булмаган силликёроқ-нинг икки учига мустаҳкам қилиб мих қоқилади. Шу михларга таранг қилиб ипак ип ёки бошқа мустаҳкам тола-ли ип борланади. Бу ип асосан кузув ипларни борлаш учун керак. Кузув ипи қуйидагича борланади. Ипнинг боши михга мустаҳкам борланган ипак ипнинг бошига борланади ва астарлик ипларини кузув ипига мустаҳ-камлаб боРлаш бошланади. Астарлик ипларини кузув ипига битта-битта орада бир ип ташлаб борланади. Орада бир ип колдиришнинг сабаби тўқиш жараёнида астарлик ипларининг тартибли ҳаракатини ва гиламларнинг икки томони ҳам бир хил чиқишини таъминлаш. Тўқиш давомида ипларнинг ўзилиб кетмаслигига интилиш лозим. Кузув иплари жойлашгандан кейин унинг орқа томонига орқалиқ деб аталган махсус асбоб урна-

тилади. Бу асбобнинг асосий вазифаси тўқиш жараёнида астарлик ипларнинг карама-карши йуналишини таъминлаш. Бу рангли ипларнинг яхши жойлашишига хизмат қилади. Орқаликнинг ўзунлиги қолипнинг эни ўзунлигига нисбатан бир оз калинроқ, агар қолипнинг эни 2 - 2,5 метр булса, орқасининг ўзунлиги 1 метр 80 см ёки 2,3 метрни ташкил этади. Орқалик ҳам силлик ёғоч булиши шарт, акс ҳолда, астарлик иплари орасида ҳаракатланиши қийинлашиб, иплари ўзилиб кетиши мумкин. Орқаликнинг олдида ва орқага ҳаракатланиши учун икки учига қулай ўзунлиқдаги иккита итаргич урна-тилади. Бу жараёнлар тугагач гиламни тўқиш бошланади.

Тақир гиламнинг жуда кўп хусусиятлари мавжуд. Аммо пахта ипидан тақир гилам тўқилганда энг оддий нусхалари тўқилади, сабаби пахта ипи жун ипидек мустаҳкам эмас. Тақир гиламни тўқишда дастлаб унинг бошланиш қисми тўқилади. Бошланиш қисми тўқила-ётганда рангларининг жойлашишига эътибор бериш лозим. Ранглар бир-бирини бўзмаслиги даркор. Гилам-нинг турли ранглардан иборат бундай бошланиш қисми «сув йули» деб аталади. Сув йули қисмида 3-4 кават оқ ва қора иплардан урилган қош уюрма деб аталган безак ҳам солинади. У гилам учун ҳам безак, ҳам тез ва чиройли битишини таъминловчи деталдир. Гилам-нинг энг муҳим деталларидан бири унинг икки четидаги четки қора. Бу қисм ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки гиламнинг четки қисми текис, тўғри чиқиши четки қорага борлик. Четки қора калинлиги 4 - 5 см, унга эчки жуни-дан йигирилган ип ишлатилади. Тақир гиламни тўқишда темир тароқ ишлатилади. Темир тароқнинг тишлари 13 тагача, унинг тишлари оралиги тахминан 4 - 5 мм. Тароқнинг дастаси ёғочдан, темир тишларининг енгил ва нозик булиши гилам тўқиш жараёнида ипнинг енгил ҳаракатланишига ёрдам беради.

Гиламнинг сув йули қисми тўқиб булингач қандай нусхалигига қараб унинг бошлангич гуллари солинади. Гуллар шаклларининг ҳажмини тўғри белгилай олиш лозим.

Тўқиш давомида тўқиш учун керак бўлган иплар тўқишда қулай булиши учун калавалигида майда тугунча ҳолига келтирилади. Тўқиш бошлангандан кейин тугунчалар бир тарафга қаратиб тўқилиши лозим, агар улар ҳар тарафга қаратиб тўқилса, чалкашлик юзага келиши мумкин.

Тўқиш давомида гилам астарнинг иложи борича бекитиб тўқишга интилиш лозим, чунки бу ҳолат гиламнинг текис ва чиройли чиқишига имкон беради.

Табиийки, гилам тўқилган сайин ўрнатилган кузув ипи ҳамда ораликка яқинлашиш кўзатилади. Шу сабаб кузув ипи бот-бот орқага силкитиб турилади. Тўқиш жараёнида гиламнинг асосини ташкил этувчи рангли иплардан қил инган тугунчалар унг ёки чапга тулик бир марта ўтказилганда орқалик асбоби олдинга ёки орқага сурилади. Тугунчалар, агар астар иплар параллел ҳолда бўлса, ўтказилмайди, таг кесишган ҳолда булса, утка-зилади. Гилам тўқилиши қолип охирига 1-1,5 метр қолганда қирқилади. Сабаби, тўқиш охирлаган сайин иш оғирлашади. Чунки астарлик иплари охирлаган сайин тортишиб таранглашади, ўзилиб кетиш ҳолати кўзатилади. Шунинг учун олдинроқ кесилади. Кесилгандан сўнг гиламнинг икки ёнига астарлардан қолган қисмидан икки четига безак берилади. Астарлик иплари 3-4 донга ипдан иборат тугунчалар қилинади, бу билан гилам ипларининг бўшаб кетмаслиги ҳам таъминланади.

Хуллас, тақир гилам тўқиш анча мураккаб жараён, унга ўртача 12 - 14 кг атрофида ип сарфланади. Бу жараёнда албатта бир неча киши қатнашади.

Хақиқатан ҳам, Термиз ва Шеробод ҳудудида тўқилган гиламлар нафақат воҳа бозорларида, балки Ўрта Осиёда, Россия ва Европа мамлакатларида машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Хаттоки бир канча гилам турлари Париж шаҳридаги кургазмаларда юқори баҳоларга эришган.

Шеробод беклиги тоғ қишлоқларида тўқилган гилам-ларни савдогарлар Карши, Керки ва Шаҳрисабз бозор-ларига, ҳатто Амударё орқали Афғонистон ва Һиндистонга ҳам олиб бориб сотганлар.

Тақир гилам тўқишда туркманлар анча машҳур эди. Туркманлар гиламдан ташқари кошма (чакмоннингбир тури) ҳам тўқиб бозорларда сотишган. Кошманинг 1 донаси 5 - брубль 87 тийин нархида баҳоланиб, кўз ойларида бозор кунлари 500 тагача сотилган.³

“ДИГ-ДИГА” ГИЛАМ-бу гилам тури бўйи барабар нақшлар билан тўлдирилганлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Ички хошиялари геометрик хошиялар бўлиб, ташқариси эса турли рангдаги попуқлар билан

безатилади. Бу гиламни тайёрлаш технологияси “Ғажари” русумли гилам тайёрлашга ўхшаб кетади. Асосан бу гилам тури қўнғирот эли каштачилари мактабига хос. Нақшлари:чаён, тароқ, юлдўз, пикон яъни пайкон учи (найза учи) шаклида бўлади.

“ ҒАЖАРИ ” ГИЛАМ- бу турдаги гиламлар нақши жунсиз бўлиб, у тўғри тўртбурчак шаклида тўқилади. Гиламнинг асосий ранги –қизғиш ранг. Геометрик шаклдаги нақшлари- кулранг, сариқ ва тўқ кулранг бўлади. Бу нақшлар чизиқлар қаторини ташкил этади. Ранги устки ва ташқи томонидан бир хил бўлади. Атрофи жияк билан хошияланади.

“ОҚ ЭНЛИ” ГИЛАМ- бу гилам ҳам “ғажари” услубида тайёрланадиган гилам. Чизиқларида ўсимликсимон ҳамда геометрик услублар сезилиб туради. Нақшлар ўзаро занжир орқали бирлашиб кетади. Ҳар бир йўл-йўл йўлак қўл чоқи ёрдамида бирлаштирилади, мато билан милкланади.

Ҳунармандчилик Сурхон воҳасида жуда кенг тараққий этган. Тараққий этибгина қолмасдан, ўзига хос йўналишига эга мактаб ҳам яратилган. Ҳеч бўлмаганда, ўтов ичига ишлатиладиган тасмаларни олиб кўрайлик. Оддийдек туюлган тасмаларда ҳам қанчалик санъат ва маҳорат мужассам эканлигини кўрамиз. Тасмалар асосан ўтовларни безатишда ишлатилган. У асосан ўсимликсимон нақшлар билан бежирим безатилган ҳолда тайёрланган. Шунингдек чорвадорларга кўпроқ тегишли бўлган сўнгра эса водий тарафларда ҳам расм бўлган кигиз тайёрлаш ва унга гул босиш ҳам ўзига хос санъат ҳисобланади.

КИГИЗ- қўнғиротлар ҳунармандчилигига хос тўшак бўлиб, турли рангларга бўялган жундан тайёрланган. Маслан, қўнғиротликлар кигизларида учта ромбсимон медальонларга монанд нақшларни кўзатиш мумкин. Кигизларда асосан шохсимон, яъни “қўчқорак”деб аталувчи нақшлар кўп учрайди.

“ПЎСТАК”- тўшамчи сифатида тайёрланадиган пўстаклар ҳам аجدодларимиз ўтовларини, уйларини безаб турган. Бундан ташқари у киш кезларида ўтирган жойни иссиқ сақлашда ҳам фойдали бўлиб, кишилар

соғлиғини эҳтиётлашда аскотган. Қўй терисидан тайёрланадиган пўстаклар тўғри тўртбурчакли бўлган. Турли рангларга бўялган тасмалар марказ сари кетма-кет жойлаштирилиб, торайиб боради.

Ип йиғиришда асосий мақсад унинг бир текис булишига қаратилади. Бунда асосан бир хил рангли ва нисбатан ўзунроқ танлашга асосий этибор қаратилади. Патли гилам тайёрлашда уч хил ип йиғириш зарур бўлади. 1) Асос учун, урам ва патли ип, патсиз гилам учун факат икки хил ип 1) асос учун в аурам учун.

Уларнинг маҳаллий номлари. Асос урам, пат. Киргизларда – Эршу , Аркак, - Арабларда – гуат, пуд(под) – Туркманларда – Эпиу, Аргач – читма Ўзбекларда – Ириш – Аргач пат. Асос – бу анча сирик уралган ип. Уни кўпроқ эшиб йиғирилади, бошқаларига караганда. Яъна уни иккаласини бирлаштириб урайди, уни натижасида у янада мустахкамроқ ва қуватлироқ бўлади.

Асос учун йиғириладиган ипни икки хил усулда йиғирилад. 1) Чарх ёрдамида 2) Урчуқ ёрдамида кулда йиғирилади. Қадимги даврдан буён ип йиғиришда усталарнинг тажрибаси анча ошиб борган. Гилам – тукиш жараёнида анча вақтлар давомида асос иплари ўзилиб кетган. Бу асосан Марв, Ашхабот, Пахта- Бозор каби ўлкаларнинг усталарида кенг куламда учраган. Чунки улар асос ипларини жуда қаттиқ тортган. Баъзи ҳолатларда асос иплари яхши ва бир текис ҳолатда бўлганлиги учун тўқилаётган гиламнинг гуллари ва расмлари нотекис чиққан. Шунинг учун усталар асос ипларини ўзлари мустақил тарзда тайёрламасдан уларни бошқа тажрибали кишиларга буюртма асосида тайёрлатишган.

Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида шунингдек Қарши арабларида гиламнинг асос иплари асосан кузги қирқим жунларидан тўқилган. Уни қайнатишиб уни намлик ҳолатида йиғиришган. Бу мустахкамроқ чиқади деб уйлаганлар. Амударё бўйи районларининг баъзи туманларида ҳам Астана – Бобо қишлоғида (Керки яқинидаги) улар асос ипларини баҳорги қирқим жунидан тайёрлаб қайнатишган. Жун қайнатилгандан сунг уни эшиб,

йигиришган ва уни дарахтларга тортиб боғлаган. Баъзан қозик қоқишиб ушбу қозикларга тортиб боғланган. Ва шу тариқа иплар ушбу ҳолатда қуритилган.

Асос ипларининг рангли турли ҳудудларда турлича бўлган. (Патли гиламларнинг).

Туркменистонда, Ашхабадда, Марвда, Бахарденда, Байрам – Алида, Бахта –Бозорда ва Тедженда. Асос иплари оқ рангли бўлган.

Каркида, Кизиляксда, Халажда, Чорщангида, Бурдалик туманида. Шунингдек, Фарғона водийсидаги қирғизларнинг буюумларининг асоси рангли (бўлган) ёки табиий рангда бўлган. Кўпинча, кул рангда бўлган. Патли гиламлар учун олинган (тайёрланадиган) ўрамли иплар икки баъзан уч хил ингичка ва кучсиз уралган иплардан ва гоҳида улар ўзаро бир-бирларига ўралган. Патли гиламларнинг асосини боғлаш учун ва патли ипларни боғламларини ўзлуксиз маҳкамлаш учун урдакча ипи юмшоқ ва очилувчан бўлишлари керак. Шунинг учун ушбу ипни турли хил аралашмалардан , пахта толаси тул жуни, ипак, қуй жуни, баъзан тулиқ иплардан ёки пахта толасидан тайёрланган. Товар пул муносабатларининг ривожланиши туфайли ўтказиладиган ипни фабрикада тайёрланган турлари ҳам кўпайди. (№40). Ўтказиладиган ипни асосан ранглилари танланган.

1) кул ранг, 2) қора , 3) малла (табиий жун ранглирида) ва қизил рангда. Туркменистоннинг бошқа туманларида (Ашхабадда, Бахардинда, Марвда, Тахтабазарда, Байрамализда ва Тедженда). Ўтувчи ипларни қизил тусда, кул ран ва ёрқин малла ранг, Амударё туманларида, қора ёки малла тусли рангдагилардан фойдаланишган. Қора рангдагилари қирғизларда кўпроқ учрайди.

Патсиз гиламларнинг ўтказилувчи ленталарининг унинг тайёрланиши усулига боғлиқ.

Уралган ип ёзилаётган чигил ҳосил қилиб қолса унга (араби чиламларида), ёки бирон бир тасвир чиқариши зарур бўлса унда рангли жундан тайёрланган ўрама ипдан фойдаланилади. Агар у булмаса унда қора ёки кул ранг ипдан фойдаланилади.

Патли ўрама иккита юмшоқ ва кучсиз ўралган ипдан ибрат бўлади. Пилалининг пати учун кетадиган ўрам ипни тайёрлаш усули ҳам мураккаб ҳисобланган. Чунки у жуда юмшоқ, узулувчан, эгилувчан ва қайишқоқ бўлиши керак. Чунки гиламни пати бир текис юмшоқ бўлиши шарт.

Анна шунинг учун пат учун олинадиган жун аввало юмшоқ, кичкича ва нозик ўрамалардан (жунлардан) танланган.

Махаллий усимликлардан тайёрланадиган ранглар асосан Марена – Ривга tinktorum(тукменча – чуп буя, ўзбекча ва киргизча – руян) дан тайёрланган. Сарик бўёқ - Delrhinim семивагватум (туркманча –сари чуп, ўзбекча ва қирғизча – испарак), Анор булакларидан – риниса гранатум ва кўк ёнғоқ пустлоғидан ҳам олинган.

Ўрта Осиёда энг кенг тарқалган ва кўп учрайдиган бўёқ турига (XIX аср охиригача) марена қилган. У Бухоро, Фарғона водийси Самарқанд, Хивада ёввойи тарзда ўсади ва уни хонакилаштирадilar. Ушбу ўсимликлар хонакилаштирилиб экиладиган жойларда уларнинг миқдори ниҳоятда кенг ва кўп бўлганлиги учун улар махаллий саноатга балки четга чиқаришга ҳам етарли бўлган.

1840-1850 йилларда Ўрта Осиёдан Россияга 25000 пуд Маренани ташкил қилган. Аниилдан тайёрланадиган бўёқларнинг кенг тарқалиши натижасида маренага бўлган талаб анча камайди. Шунинг учун Фарғона ва Самарқандда Марена умуман етиштирилмай қуйилди. Туркменистонга уни Бухоро ва Хивадан ва Эрондан келтирила бошланди. Буюқчилар Маренани ёш ва етуклигига қараб танлаганлар. Чунки унда рангнинг миқдори ҳам кейинчалик кучайиб борган. Маренани кичик қилиб майдаланган ҳолатда ишлатишганлар. Индигодан ташқари барча ранг бўйёқларни гиламдўзлар ўзлари бўяшган. Индига бўёғи барча гилам тўқувчи қишлоқларда махсус бўёқ-бўёвчи мутахассисларнинг қўлларида бўлган.

XIX –асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиё бозорларида Анил бўёқлари кириб келди, булар жуда тез усимлик бўёқларини сиқиб чиқарди. Аналиннинг Молина ва қизил туслиси гиламдўзлар орасида турлича номланган. 1)Мамиша,

Лап, Лаплама, урус ранг, бозор ранг, урус курмизи, ун кирмизи ва бука). Усталарни анил бўёқлари ўзининг ёрқин ва сержилолиги билан ажралиб турган. Бу эса усимликлардан олинадиган бўёқлардан кўра авзалроқ ҳисобланган. Тўғри бу ёрқин ранглар барча гиламдўзларни тулиқ қизиқтира олмага. Чунки тайёрланаётган гиламлар турли тусда бўлишлиги зарур ҳисобланган. Гиламдўзлар ўзлари учун тайёрлаган гиламлари ўзининг ёрқинлиги билан умуман ажралиб турган. (XIX аср охирларида ҳам). Бу гиламдўз усталарининг ўзоқ йиллик тажрибалари асосида амалга оширилган ва кўп тажриба талаб қилган. Лекин гулахор бозорлари анил рангларида тайёрланган жуда ёрқин товланувчи рангли гиламларни талаб қилган.

Анил ранглари шунингдек арзонлиги, тайёрланишини осонлиги ва буяш жараёни қулайлиги билан ҳам кўпчилик эътиборига тушган.

Ўсимликлардан тайёрланадиган ранглардан фойдаланилмай қолиниши маҳаллий бозорларда жуда тез салбий натижалар кўрсата бошлади. Янги тўқилган гиламларнинг ранглари сифатсиз бўялганлиги учун қисқа йиллар ичида ўз хусусиятини йўқотиши кўзатилди. Бу ҳолат ташқи бозорга ҳам ўз аксини кўрсатди. Анил рангларда бўлган гиламларга бўлган талаб жуда тез сўнди. Ва нарх навоси ҳам жуда пасайиб кетди.

Бу асосан Амударё бўйга туманларида ва Ўзбекистон, Қирғизистон гиламдўзчилигида яққол намоён бўлиб қолди. Чунки XIX асрнинг охирларида Анилин ўсимлик бўёқлари на тулиқ сиқиб чиқарган эди.

1929 йилдаги уюштирилган гиламдўзлик экзпедцияси гиламдўз усталар Ўзбекистон ва Қирғизистонда яна аввалги ўсимлик бўёқларидан фойдаланилаётганлигини аниқлашганлар. Бўёқчилар орасида бўяш усуллари билмаслик ҳолати нихоятда юқори даражада эди. Текшириб қурилганда бўёқчилар орасидан фақат биттагина жуда қариб қолган мома буяш усулини билганлиги аниқланган. Қолган барча бўёқчи усталар анилин рангларига бўяганлар.

Буяш жараёнида тажрибасиз усталарнинг меҳнат маҳсули яққол, сезилиб қолган. Бу тайёр гиламларга ўз ифодасини топаётган эди. Сифатсиз

бўялган маҳсулотлар қайтадан хатони тўзатиш учун бўяш жараёни юз бергани кўзатилди. Бўёкчи гиламдўз усталар бўёкларнинг сифати анча ёмонлашганини айтишар эди. Бироқ усимлик бўёкларидан фойдаланишини тўхтаб қолганлигидан афсусланишмаганлар. Чунки ўсимликлардан бўёк тайёрлаш ва бўяш жараёни ўзоқ ва қийин жараён эканлигини такрорлашар эдилар.

Қарши чўлларида 1929 йилда кўплаб араб аёл уста гиламдўзлари XX асрнинг бошларидан буён ўсимликдан тайёрланадиган. Рангли буйёклардан фойдаланилмай қолишганига халақит қилишган. Бу эса анилин бўёкларни анчадан буён ташиб ўсимлик бўёқларини истеъмолдан сиқиб чиқарганлигини исботидир. Аналиндан фойдаланувчи бўёкчи усталар ушбу ҳудудда анилин бўёқлари XIX асрнинг охирларидаёқ кириб келганлигини қайд этади. Ва бундан буён барча кишилар ушбу бўёқдан оммавий тарзда фойдаланишаётганлигини айтишади.

Аналеннинг кириб келиши айниқса туркмен эрсарилари, ёвмудлар, чоудулар айниқса жуда ката зарар кўрдилар. Бу ерда анилин бўёқлари XX аср бошларидаёқ маҳаллий усимлик бўёқларини батамом сиқиб чиқара олиди. Текинлар, солорлар ва сакарларнинг маҳсулотларида XIX асрнинг охирларида анилин бўёқларидан фойдаланиш бошланган. Чунки бу-бўёқлар олддла ёрқин ва сержилолиги билан маҳаллий ўсимлик бўёқларидан усталик кўилган. Бу бўёқ туркменларда ёрқин рангларни берган. Бироқ каспийорти туманларининг марказий қисмида яшовчи туркман гиламдўзлари хали ҳам яъни XX асрнинг 30 йилларида ҳам табиий ўсимлик бўёқларидан тенг фойдаланишаётганлари таъкидланади.

1929 йилги гиламдўзлик соҳасига уюштирилган экспедицияда жуда кўплаб уста гиламдўзликлар ўсимлик бўёқларидан фойдаланилаётганлиги аниқланган ва унинг тайёрлаш усуллари ҳам турлича эканлигига аниқланган.

Бу ҳақда куйидагича таъриф берилади.

XIX асрнинг охирларидан Ўрта Осиё гиламдўзлари, анилиндан ташқари синтетик индиго ва олизарин каби кимёвий бўёқлар кириб келган.

Махаллий бўёқчи мутахассис усталар жуда тез синтетик индаго, ализариндан фойдаланишини ўзлаштирдилар.

Ализарин ўзининг буяш жараёнида қулайликларини исботлади. Махаллий бўёқчи уста гиламдўзларни синтетик индиго бўёқларидан ўз билганларича фойдаланишлари унчалик самара келтирмаган. Шунинг учун экспедиция азоларини ҳам бошқа кишиларни ҳам унчалик эътиборини тортмаган. Шунинг учун Туркменларнинг гиламдўзлик иттифоқ бирлашмаси гиламдўзларга фабрикаларга тайёрланган маҳсулот тайёр бўлган ипларни етказиб берувчи жараёни шуларга қуйилган.

I.2. Бўяш жараёни

Ўрта Осиёнинг кадимги гиламларнинг ранглари бир-биридан учиб кетмайдиган ва жуда мукамаллиги билан ажралиб туради. Бунга эски сақланиб қолган гиламлар мисол бўла олади. Бу гиламлар ҳозир ҳам Ўрта Осиёнинг жуда кўп ҳудудларида учраб туради. Ушбу гилам парчалари жуда эскириб, ҳатто ўтказилган иплари кўриниб қолган бўлсада унинг ранги ҳамон учмасдан сақланиб қолган. Бўёқлар асли турли ўсимликлардан олинган бўлиб, улар асосан ўша жойларда ўсган.

Гилам тўқиш учун ишлатиладиган ипларни бўяш учун уни ўсимлик мойларидан тайёрланган бўёқлар билан жуда мураккаб тайёрлаш усулида амалга оширилади.

1929-йилги гиламдўзлик экспедицияси жараёни жуда кўп миқдорда ўсимликдан тайёрланадиган бўёқлар мавжудлигини исботлади. Барча бўяш усулларида дастлабки бўяшга тайёрлаш усули мавжуд. Маҳсулотни бўяш усуллари турли хил эмас: бир хил жараён бироқ унинг таркиби ва муддати ҳар хил. Барчасида марена, кошенил, испараклар мавжуд. Турли хил рангларни чиқариш учун бўёқ аралашмасини тайёрлаш ва вақт орасида уни бўёқда ушлаб туриш жараёни мавжуд. Энг кўп бўёқда ушлаб туриш муддати айниқса марена ёрдамида тўқ - қизил рангдаги ипни бўяшга кетади. Унга 40 кунча муддат вақт талаб қилинади.

Энг кўп тарқалган бўёқ квас ҳисобланган. У тоза маҳсулотга ишлатилган. Уни бўяш жараёни ҳам қийин жараёндир. У асосан жўхори, арпа ёки буғдойлардан иборат, донни 15 кун сувга ивитиб қўйиб, шу сувга бўяш учун маҳсулот солинган.

Ўрамни бўяшдан олдинги энг осон усул квас аралашмасидир. Булар асосан қирғизларда ва арабларда кўпроқ ишлатилган. Ўрамли ипни квас тайёрланмасига солиб қайнатишган. Сўнгра уни совуқ сувда ювиб олишган ва қуритишган. Туркман гиламдўзлари орасида (Амударё туманларида) квасли ивитиш усули бошқача- дир. Буларда ўрамни қайнатишмаган. Бироқ уни квасда кўпроқ ушлаб туришганлар. Иплар ўрамларини, сопол кўзада тахлаб

сув солишиб унинг устига квас уюмларини тахлаб чиқишганлар. Сўнгра 15 кун мобайнида уни чайқаб аралаштириб турганлар ва ичидаги ўрам ипларни аралаштириб турганлар. Ушбу кавсли аралашмада 8-20 кун ушлаб туришган. Доимий тарзда аралаштириб сўнгра маҳсулотни чиқариб олиб сиғиб қуриш учун офтобга илиб қўйишганлар. Бу усул асосан марена билан бўяш учун мўлжалланган (қизил тусли, куюқ қон рангли ранг). Индига билан бўяшда ўрам иплари дастлабки босқични талаб қилмаган.

Қуйида биз турли туманларда бўяш жараёни учун талаб қилинадиган жараённи кўрсатиб ўтамиз.

1- усул. Арпа ивигилган сувига 7 боғ квас тахлаб 1кг ўрам иплари солиб 15 кун ушлаб турилади. Ҳар куни уни ағдариб туради сувини аралаштириб туриб, сўнгра бўялган иплари тоза сувда ювиб олиб қурилади (Безеин қишлоғи Ашхабад туманидаги).

2-усул. Идишга 1,6 кг буғдой ва жўхорининг бир бўлагини қўшиб, бир боғлам квас қўшилади. Ушбу аралашмага боғлам иплари 7 кун солиб ивитиб қўйилади. Сўнгра уни тоза сувда ювиб олиб офтобда қурилади.

3-усул. Унчалик катта бўлмаган кўзачага квас қатламини (1тахлам) солиб сув қўшилади. Бунга ҳам бир бўлак жўхори қиймаси солинади. Ушбу аралашмали сувга бир ўрам иплари 15 кун сақлаб турилади, сўнгра бўялган иплари тоза сувда ювиб олиб, офтобда қурилади (Астона-бобо қишлоғи Керки туманидаги).

Шунингдек иплари бўяшда бир қанча усуллар бор, уларнинг барчасида ушбуга ўхшаш жараён такрорланади. Фақат Қизилёлоқ туманидаги Тутли қишлоғи гиламдўз бўёқчилари аралашмага жўхори уни ва озроқ миқдорда сут қўшади (5-6 кун).

Ушбу усулдан тўқ қизил ранг олиш учун Пендин тумани гиламдўз бўёқчилари ҳам фойдаланишганлар. Фақат 40 кун давомида ушлаб туришганлар (байрач дада-ўғли, Эрден қишлоқларида) Қашқадарё арабларининг бўяш усуллари Розводовскийнинг ижодий ишида ёзиб қолдирилган.

Ўрта Осиё гиламларининг жилоланишини унча кучли бўлмагани билан ажралиб туради. Бўёқчиларнинг ҳеч бирининг алоҳида бўяш сирлари бўлмаган. Ва улар алоҳида оила ва гуруҳларга бўлинмаган. Балки бир-бирлари билан тажриба алмашилиб туришган. Бўёқчилар бўяш учун зарур бўладиган аралашмага қанча миқдорда ранг солиш кераклигини билишмаганлар (аниқ миқдорда). Бўяладиган маҳсулотни ранггига қараб уни кўпроқ ёки камроқ рангли аралашмада сақлаб турганлар. Агар зарур бўлган рангга эга бўлсалар бўяладиган маҳсулотни сувдан чиқариб ювиб олишганлар ёки кўпроқ сақлаб тутишганлар. Шу ҳолатда бўяш усули алоҳида таркиб талаб қилмасдан балки уни қанча миқдорда аралашмали сувда сақлаб туришда ва бўёқчи усталарнинг шахсий маҳоратига қаралган. Бўяш учун уста бўёқчилар бўзгунч, сазак ёки юзарлик, кеткен, каррак ёки карраган, чеган, черкез ва ажва каби ўсимликлардан ёки уларнинг кулларида фойдаланишганлар.

Маренада бўяш. Марена асосан бўяш учун ишлатилиб у қизил ранг беради. Шунингдек малла, малла қизил, тўқ қизил рангларни беради. У рангни олиш бўёқни миқдориغا қараган. Чоган ўсимлигидан ҳам қизил-малла рангни олишган. Шунинг учун унинг миқдориغا қараб танлаганлар. Бўяшда кўпинча кулдан ҳам фойдаланишган. Бўялган рангли тайёр маҳсулотни ишқорли сувга солиб қайнатишганлар. Баъзи ҳолатларда фақат совуқ сувга солиб ивитиб 40 кун миқдорида рангли аралашмада сақлаб туриш билан кифояланишганлар.

Испаракда бўяш. Туркманистоннинг марказий туманларида сариқ ранг тоза ҳолатда деярли ишлатилмаган. Ундан жигар ранг ва яшил тусни олиш учун аралаштириб фойдаланишганлар. Сариқ рангдан Ўзбекистонда ва Қирғизларда фойдаланишганлар.

Испарак билан бўяш жуда оддий ҳисобланади. Ўсимликни қуритилган ҳолатда сувга солиб қайнатишган тоқи сув ёрқин сариқ рангга киргунича. Аксарият уста бўёқчилар 1 кг ипни буяш учун 1 кг қуритилган испаракдан фойдаланишган. Олинган қайнатмани тиндириб қўйиб, унга бўяладиган маҳсулотни солиб қўйиб, сўнгра қайнатишганлар. Бу усуллар ҳар-хил тарзда

амалга оширилиши мумкин. Гоҳида тайёр рангли (испаракли) аралашмага бошқа ранглари ҳам аралаштиришганлар. Бўялган маҳсулотларни қуриштириб ипни деворга уриб қўришган агар деворда ранг қолса ушбу бўялган ип сифатсиз деб (тайёр эмас деб) яна қайтадан бўяганлар.

Индиго – наль кўк ранг берувчи бўёқ ва кошениль-кирмизи. Бу Эрон ва Ҳиндистондан келтирилган. Ўрта Осиё гиламларининг муъжаз ранглари унчалик кўп турли ранг бўёқларининг талаб қилмаган.

Ўрта Осиёнинг кўпчилик туманларида, Бухоро еврийлари ўзларининг бўяш устохоналари бўлган. Уларнинг устохоналари Туркменистон, Каспий орти ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликларидаги кўпчилик шаҳарларда бўлган. Кўпчилик бўёқчиларнинг сўзларига қараганда кўк рангни олиш учун гиламдўзлар иплари қарвонларга ортишиб Хива хонлигига, Эронга ва ҳатто Ҳиндистонга юборишганлар. Фақат XX асрнинг бошларига келиб кўк рангда бўяш учун Марвга бора бошлаганлар. Бироқ туркман гиламдўзлари Аҳала туманидаги, Марвликлар ва Тахта-Бозорликларда индагада бўяш усуллари сақланиб қолган. Улар уни гўбек ниль деб атаганлар. Уни дастлаб Ўрта-Осиёга Эрондан олиб келишганлар. Туркман гиламдўзларининг тайёр маҳсулотларда учрайдиган кўк-яшил ранглари ва очиқ ҳаво рангни учраши туркман усталарнинг маҳоратини юқори эканлигини исботлайди. 1929 йилда ўтказилган экспедицияда бўялган маҳсулотлар асосан уйда амалга оширилганлиги аниқланган. Бўяш ҳолатининг кўпчилигида индагадан бўяш учун кўпчилик ҳолларда иплари аралаштириб қайта ишламаганлар. Марв туманидаги Сичмас қишлоғи бўёқчиларидан олиган бўяш усули деярли энг кенг тарқалган усулдир.

Маҳаллий усимликлардан тайёрланадиган ранглари асосан Марена – Ривга tinktorum(туркменча – чуп буя, ўзбекча ва қирғизча – руян) дан тайёрланган. Сарик бўёқ - Delrhinim семивагватум (туркменча –сари чуп, ўзбекча ва қирғизча – испарак), Анор булакларидан – риниса гранатум ва қуқ ёнгоқ қушлогидан ҳам олинган.

Ўрта Осиёда энг кенг таркалган ва кўп учрайдиган бўёқ турига (XIX аср охиригача) марена кирган. У Бухоро, Фаргона водийси Самарканд, Хивада ёввойи тарзда ўсади ва уни хонакилаштирадilar. Ушбу ўсимликлар хонакилаштирилиб экиладиган жойларда уларнинг микдори нихоятда кенг ва кўп бўлганлиги учун улар нафақат маҳаллий саноатга балки четга чиқаришга ҳам етарли бўлган.

1840-1850 йилларда юртимиздан Россияга 25000 пуд Маренани экспорт қилишган. Анилилдан тайёрланадиган бўёқларнинг кенг таркалиши натижасида маренага бўлган талаб анча колмайди. Шунинг учун Фаргона ва Самаркандда марена умуман етиштирилмай қуйилди. Туркменистонга уни Бухоро ва Хивадан ва Эрондан келтирила бошланди. Бўёқчилар Маренани ёш ва етуклигига караб танлаганлар. Чунки унда рангнинг микдори ҳам кейинчалик кучайиб борган. Маренани кичик қилиб майдаланган ҳолатда ишлатишганлар. Индигодан ташкари барча ранг бўёқларни гиламдўзлар ўзлари буяшган. Индига буёғи барча гилам тукувчи қишлоқларда махсус бўёқ-буёвчи мутахассисларнинг қўлларида бўлган.

XIX –асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиё бозорларида Анил бўёқлари кириб келди, булар жуда тез усимлик бўёқларини сиқиб чиқарди. Аналиннинг Молина ва кизил туслиси гиламдўзлар орасида турлича номланган. 1)Мамиша, Лап, Лаплама, урус ранг, бозор ранг, урус курмизи, ун кирмизи ва быука). Усталарни анил бўёқлари ўзининг ёркин ва сержилолиги билан ажралиб турган. Бу эса усимликлардан олинадиган бўёқлардан кура авзалроқ ҳисобланган.Тугри бу ёркин ранглар барча гиламдўзларни тулик кизиктира олмага. Чунки тайёрланаётган гиламлар турли тусда булишлиги зарур ҳисобланган. Гиламдўзлар ўзлари учун тайёрлаган гиламлари ўзининг ёркинлиги билан умуман ажралиб турган. (XIX аср охирларида ҳам). Бу гиламдўз усталарининг ўзоқ йиллик тажрибалари асосида амалга оширилган ва кўп тажриба талаб килган. Лекин гулаҳор бозорлари анил рангларида тайёрланган жуда ёркин товланувчи рангли гиламларни талаб килган.

Икки кун давомида маренада бўялган ипни сувга сақлаб туриб, сўнгра индига ёрдамида кўк рангга бўяшган. Совуқ усулда қайнатишмасдан. Ип ўрамини бўёқ сувида 10 кунгача сақлаб бир хил ҳолатда бўлишлиги керак шунинг учун идишни тунлари ёки уйга киритишиб қўйишган ёки устини бирон бир нарса билан ўраб қўйишган. Ранг тайёрлаш усули қуйидагича бўлган.

Биринчидан- иссиқ сувга квас ва индигони аралаштиришганлар. Квас бўлмаган ҳолатларда чоған ўсимлиги настойкасидан фойдаланишган. (маренадан қолган)

Бўяш аралашмасининг асосий қисмида (таркибида) лоташ иштирок этади. . Уни кичик халтачага соли раствор аралашмани солиб қўйишади. Бахарден туманидаги караган қишлоғида, Ашхабад туманидаги Ясман-салик қишлоғида 1929-йилда уюштирилган гиламдўзлик (гилам) экспедициясига борганда кўк рангга бўяшда квасдан фойдаланмаслик ҳолатига ҳам гувоҳ бўлишган. Бунда квас ўрнига жун ювилган (биринчи марта) ифлос сувдан фойдаланганлигини кўришган. Шу сувга индига ва бўяладиган ипни солишганлар., бир кундан кўпроқ ушлаб туришганлар.

Бўяш учун кетадиган жараён деярли бир хил. Масалан Керки туманидаги Астона-Бобо қишлоғида ёзиб олинган бўяш усули деярли барча жойда учрайди. Бўёқчилар бўяш аралашмасига квас, поташ ва индигадан ташқари айрон ҳам қўшганлар. Раствор аралашмани икки кун сақлаб туриб сўнгра унга ип тўпламини солишганлар.

Ипни бўяш усули (индиго ёрдамида) мутахассис бўёқчиларнинг Развадовскийда ёзилган, яшил ранг олиш учун индига аралашмасига сариқ ранг аралаштирилган ёки аксинча. Қора рангни олиш учун уста гиламдўзлар асосан қора рангли жундан фойдаланишганлар. Қора рангли жун бўлмаган ҳолларда кулранг жунни қора рангга бўяшганлар. Бунда темир зангидан ва бўзгунч рангидан фойдаланишганлар.

4 кг ип ўрамига 1кг бўзгунч ва 4 челақ сув солишганлар. Ип ўрамини бўзгунчда икки марта қайнатиб олишганлар. ва уни сувдан чиқариб олиб, сиқиб

офтобда куритишган. Қолган сувни ичига 600гр темир зангги солиниб қайнатилган. Сўнгра қайнаётган раствор аралашмага ип ўрамини солишганлар. (15 минут давомида)

Анилинда бўяш. Анилинда бўяш усули деярли кошелинда бўяш усули билан бир хил. Фарқи анилин қайта бўялмаган. Анилинни турли усулларда ишлатганлар. Бу бўёқдан гоҳида ўсимлик ранг бўёқларидан сифатсиз чиққан маҳсулотларни бўяшда фойдаланишганлар. Туркман уста гиламдўз бўёқчилари дастлабки бўяш усулини кvasда амалга оширган бу ҳолат Ўзбекистонда ва Қирғизистонда умуман учрамайди. Анилинда бўяшнинг энг тарқалган усули қуйдагидир: Анилинли рангни керакли рангдагисини қозонга солишиб сув солишаган. Кўз билан чамалаб қандай ранг кераклигини танлаб олишган. Сўнгра рангли аралашмали сувга ип тўпламини слоиб қайнатишган тоқи сув аралашмани рангги йўқолгунча. Агар сув рангсизланиб қолсада ип тўплами яхши бўялмаса бу ҳолат кам кўзатилган. Сўнгра ип тўпламини яна қайта қозонда иккинчи бор қайнатиб бўяганлар.

Кам ҳолатларда ип тўпламини бўёқдан сўнг рангини мустаҳкамлаш учун кvasга солишган ёки тўзли сувга солишганлар. Бироқ анилинда бўялган маҳсулот қайта ранг мустаҳкамлашни талаб қилмаган. Ип тўпламини совуқ сувда ювишганлар, тоқи уни рангги қўлга уриб қолиши тугагунча ва уни сояда куритишган.

Сурхон гилам тўқиш санъатида фойдаланадиган иплар рангининг ўзаро уйғунлиги, бир-бирига мутаносиб ва мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки ранг ва ип тури каштачилик ва гилам тўқишнинг ўзига хос белгиловчи муҳим омилларидан саналади.

Табиий ранглар асосан табиатда соф ҳолда ўсадиган айрим ўт-ўланларнинг томир ва илдизларидан, мва- сабзаводлар, дарахтлар баргларида, пўчоқ ҳамда пўстлоқлардан олинган. Чунки бу усулда олинган ранглар асрлар ошса-да ўз табиий рангини ва хусусиятини йўқотмаган. Ранг тайёрлаш ёки ипларни бўяш унчалик мураккаб бўлмаган, лекин кунт ва хийлагина кўп вақтни қамраб оладиган жараён ҳисобланади. Масалан,Ю табиий рангли ип тайёрлаш

учун калава иплар мис қозонга солиниб, бир кеча давомида сақланиб ивителиди. Сўнгра нимқоронғу ва салқин жойда қуритилиди. Қуритилган ип бир карра совунда яхшилаб ювиб ташланади. Табиий ранг билан пахта каби ипак иплар ам шу усулда бўялади.

ҚИЗИЛ РАНГ-ипни қизил рангга бўяш учун 500грамм рўян, 150 грамм “жавзу-мавзу” ўсимлиги керак бўлади. Мис қозонга керакли миқдорда сув, рўян ҳамда “жавзу-мавзу” ип билан бирга солиниб, тагига олов ёқилади. Кутиган рангни олиш учун сув ҳарорати 70 даражадан ошаслиги керак. Тагига олов ёқилган мис қозондаги сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб бир маромда ушлаб турилади ва бу жараён икки соат давом этади. Икки соатдан сўнг олов ўчирилади. Шундан сўнг қозон қопқоғи зичлаб ёпилиб бир кеча давомида мис қозонда сақланади. Эртасига эрталаб, иплар бўёқли сувдан чиқариб олинади. Ип сиқилиб, силкитиб қоқилади. Кейин махсус чўпларга илиниб, қоронғу ва салқин жойда қуритиш учун осиб қўйилади. Бўялиб, қуритилган иплар (қуритиш муддати-бир ҳафта) совун ёрдамида яхшилаб яна бир марта ювилади. Қуритилгач, тўқиш ёки тилишга тайёр ҳолга келган ҳисобланади.

ОЧ САРИҚ РАНГ- тут дарахти ғўрини ўғирчаларга солиб, туйилади.сўнгра мис қозонга солинади ва сув, тут барги, олма барги, тоқ баргидан 200 граммдан қўшилади. 1кг ип албатта аччиқтошли сувга солиниши шарт. Қайнатилган барглар олиб ташланиб, ип солинади. Махсус чўплар орқали кавланиб, айлантрииб, иплар паст оловда икки соат рангланади. Иплар қозонда бир кеча давомида туради, эртасига эса очик сариқ рангга бўялган иплар қозондан чиқариб олинади. Ип сиқилиб икки киши томонидан махсус чўплар орқали қоқилади. Сўнгра қуритиш учун олиб қўйилади. Қуритиш жараёни бу ҳолатда ҳам бир ҳафта давомида амалга оширилади. Қуритишга қўйилган иплар албатта қоронғу ва соя жойда бўлиши керак.

САРИҚ РАНГ-барча иплар каби, сариқ рангга бўяладиган иплар ҳам 300 грамм аччиқтош солинган сувда бўктирилиб, яъни “пишиб” олинади. Қайнатилаётганда сув ҳарорати 75-80даражадан ошмаслиги керак. Сариқ рангли

ип тайёрлаш учун 300 грамм анор пўчоғи, 1кг микдорда пиёз пўчоғи керак бўлади. Мис қозондаги сувга 300грамм анор пўчоғи эса чайилиб, солинади. Қайнатиш даражаси бу ҳолатда ҳам 75-80 дан ошмайди. Сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб, рангланаётган ип икки соат давомида сувда ушлаб турилади. Бу иплар ҳам қозонда бир кеча давомида сақланади. Эртасига эса икки киши махсус чўплар билан обдон силкитиб, қоқади. Қоронғу ва салкин жойда бир ҳафта кўкуритилгач, совун ёки шампунда яхшилаб ювилади. Қуритилгач, фойдаланишга тайёр сариқ рангли ип бўлади.

ҚОРА РАНГ-бошқа бўяладиган иплар каби, бу рангдаги ипни олиш учун ҳам 1кг хом ип керак бўлади. Қора ранг олиш учун 300грамм анор пўчоғи, 200грамм занг, 150грамм “жавзу-мавзу” керак бўлади. Сув ҳарорати 75 даражага етгунча кавлаб туриш йўли билан рангланади. Бунинг учун мис қозонга сув, керакли микдорда занг ва анор пўчоғи, “жавзу-мавзу” ўлчаб солиниб, қозон тагига олов ёқилади. Қора рангга бўялган ипларни аввал аччиқтошли сувда ивитиб олиш зарур. Бу ҳолатда ҳам рангланган иплар бир кеча мобайнида қозонда сақланади. Бир ҳафтадан сўнг совун ёки шампунда ювиб, қуритилиб, тайёр ҳолда келтирилади.

ТЎҚ САРИҚ РАНГ-бу рангни ҳосил қилиш учун ўрик дарахти томири билан арча ёғи аралаштирилиб, қозонда қайнатилади. Арча ёғи ўғирчада туйилиб, майдаланган ҳолда ишлатилади. Аччиқтошли сувга пиган 1кг ипни тўқ сариқ рангга бўяш учун 500грамм арча ёғи, ўрик дарахти томири-пўстлоғидан ҳам шунча микдорда олинади ва қайнатилган сувга иплар солинади. Тегишли рангни олган иплар яна икки соат давомида пастоловли қиздирилаётган сувда ушлаб турилади.бу ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча қозонда сақланади, сўнггра махсус чўплар билан қоқиб ташланиб, қоронғу жойда бир ҳафта қуритилади. Шундан сўнг одатдагидек кир совунда ювилиб, қуритилади ва фойдаланишган тайёр ҳолга келтирилади.

МАЛЛА РАНГ-аччиқтошли сувга солиган 1кг ипни малла рангга бўяш учун 1кг ёнғоқ пўчоғи, 200грамм “жавзу-мавзу” керак бўлади. Мис қозонга яхшилаб чайилган 1кг ёнғоқ пўчоғи, ўғирчада туйилган “жавзу-мавзу”

солинади. Сув 100 даражага етгунча қайнатилади. Бу рангни олиш ва ипни бўяшда ҳам аввалгилари каби технологик жараёнларга қатъий амал қилинади.

КЎК РАНГ-ипларни бу рангга бўяшда аччиқтош ўрнига ишқордан фойдаланилади. 1 кг ип ишқорли сувда пишителиди. Ипни кўк рангга бўяш учун 20 грамм индиго, 10грамм темир содаси, 15 грамм гидросульфат керак бўлади. Тайёрлаш жараёни қуйдагича бўлади: мис қозонга 300 грамм ишқор солиниб, 40-45 даражага етгунча иситилгач, унга ўлчаб олинган индиго, темир содаси, гидросульфат қўшилади. Иплар қозонга солингач махсус чўпларга илиниб, бўялади. Иплар рангли сувда 20-25 дақиқагача ушлаб турилади. Ўттиз дақиқадан сўнг иплар қозондан чиқарилади ва ҳаво билан реакцияга киришиб, рангланади. Кўк рангли иплар бир ҳафта давомида қуритилади. Сўнгра яхшилаб ювилиб, яна қуритилади. Қуритиш одатдагидек қоронғу ва салқин жойда амалга оширилади.

ЯШИЛ РАНГ-бу рангни ҳосил қилиш ва ип бўяш учун тоқ, тут ҳамда олма баргидан 200 граммдан олиниб, қайнатилади. Кейин барглар чиқариб ташланиб, аччиқтошли сувга пишитилган 1 кг ип тайёр сувга солинади. Иплар махсус чўплар ёрдамида айлантирилиб, кавлаб турилади. Ранглаш икки соат давом этади. Олов паст, ҳарорат эса бир маромда бўлиши керак. Рангланган иплар бир кеча давомида мис қозонда сақланади. Эртасига қозондан чиқариб олинган ипнинг ранги сариқ бўлади. Ана шу сари иплар ҳаво рангли индигога солинса, бақа рангли тусга киради. Бақа рангли ип дарҳол тўқ кўкли индигога солинса, яшил рангли иплар пайдо бўлади. Иплар 20 дақиқа давомида рангланади.

Шу ўринда баланд кўк индиго тайёрлаш учун: 25 грамм гидросульфат, 30 грамм баланд кўк индиго, каучик содасидан 15 грамм, 15 грамм темир содаси керак бўлишини айтиб ўтишимиз лозим. Шунингдек кўк-ҳаворанг индиго учун 25 грамм гидросульфат, 25грамм ҳаво ранг индиго, 15 грамм темир, 15 грамм каучик содаси солинади. Бу аралашмалар 80 грамм миқдорида каучик содаси солинган сувда, 40-50 даража ҳароратда иситилади.

Кўриб турганимиздек , ип бўяш ҳам ўзига яраша муҳим технологик жараёнларни иноватга олган, аниқроғи, ана шу каби технологияларга қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилган. Шуниси ҳам борки барча бўяш жараёнлари мис қозонда амалга оширилган. Яна бир диққатга сазовор жихати, бўялган ипларни қуриштириш асосан қоронғу ва салқин жойларда ўтказилган. Ҳар бир ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча давомида қозонда сақланиб, сўнгра махсус чўплар ёрдамида қоқилиб, қуриштириш учун илинган. Гарчанд айрим ҳоллардагина кимёвий унсурлардан фойдаланилган бўлсада, ип бўяш, ранг ҳосил қилиш қадимда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ана шундай олиб борилаяпти. Бу қадимий анъаналар ҳамон яшаётганидан далолатдир.

Х У Л О С А.

Гидамдўзлик воҳада ривож топган ҳунармандчилик турларидан бири ҳисобланади. Асрлар давомида гидамдўзлик анъаналарини давом эттириб келган Сурхон воҳаси маҳаллий чорвадор аҳолиси, хусусан Шеробод беклигининг Даҳпаракент тоғ қишлоқлари аҳолиси, Амударё бўйларида яшовчи туркманлар тўқишган гидамлар нафақат воҳада балким, чет мамлакатлар бозорида ўз харидорига эга бўлганлар. Улар тўқиган гидамдўзлик буюмлари сирасига *қиз гидам, жулхирс гидам, арава гидам, қоқма гидам,гажари гидам,диг-дига гидам,ой илам,чумчуқли гидам,бибишак, тўрт терма, оқин каби гидам турлари, жун патсиз паласлар,холи гидам* ,турли буюмлар солиб қўйиладиган гидам *халта-тўрвалар(тўз халта,ойна халта, дастурхон), хуржун* ва бошқаларни киритиш мумкин²⁶. Ушбу *гидамдўзлик* буюмлари нафақат амирлик худудида, балки кўшни давлатларда ҳам жуда машҳур бўлган. Воҳа гидамдўзлари кўпроқ *патсиз қоқма гидамлар* тўқишган. Гидамларни безашда, асосан, геометрик пақшлардан фойдаланганлар.

Бўёқчилик ҳам мато ишлаб чиқариш билан ўзвий боғлиқ бўлган касб тури ҳисобланади. Ип ва матолар асосан ўсимлислардан олинган ўткир рангли бўёқлар билан бўялган. Табиий бўёқларда бўялган иплардан тўқилган матолар ранги ўчмаслиги билан фарқланиб турган. *Бўёқчилар* арабча *саббоғ*, форсча *рангрес* деб аталган. Ўсимликлардан ва минераллардан бўёқларни олиш алоҳида кимёвий билимларни талаб этган. Бўёқларни тайёрлаш усули ўзоқ йиллик тажриба ва меҳнат маҳсули бўлиб, одатда, сир сақланган. Хулоса қилганимизда Сурхон воҳаси гидамдўзлик санъати асрлар оша авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб келмоқда.

²⁶ Турсунов С. Сурхондарё –этногрфик макон.-Тошкент,2011.-62б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. 1997 йил 31 мартда имзоланган фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси.-Тошкент., 1997.- №3.- Б.21-23
- 2.Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Тошкент. , Маънавият. 2008. –Б. 30-31
- 3.Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом.Т.1,2.–СПб.,1911;
4. Н. В. Ханыков Описание Бухарского ханства.–СПб.,1843; Маев Н. Бухоро хонлиги очерклари.–Т.:2012;
5. Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухари и Туниса. Сп., 1905
6. Кап.Гинтиелло . Сведения по индендатской части соб. в Бухарском ханстве.–СПб.,1886.
- 7.Семёнов А. К. Истории Бухарская мангитов. // Бюлетен.САГУ.Вып. 4.-Ташкет. 1924.
- 8.Турсунов С. Ва бошқ. Сурхондарё тарихи.–Т:Шарқ,2004, Анаев 5.
- 9.Т.Аннаев, Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар.–Т:1997;
- 10.Турсунов С.,ПардаевТ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси.–Т:2006; шу муаллифлар . Сурхондарё этнографик макон.–Т:2011;
- 11.Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.–Т:2012.
12. Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX - начало XX в.) // Проблемы! типологии в этнографии. - М.: Наука, 1979. -С.257.
13. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси.-Т.: Ўзбекистон. 1999.
- 14.Жабборов И. Узбек халқи этнографияси. - Тошкент; Ўқитувчи, 1994. - Б.309.
15. Иброхимов А. Бизким, ўзбеклар.-Т.: Шарқ. 1999

116. Иброхимов А. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековья.-Т.: Фан, 1988.
17. Кармышева Б.Х.-Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука. 1976
18. Маев Н.А. Очерки горных бекства Бухарского ханства // МСТК, вып. VСПБ.. 1879
19. Полковник Галкин. Военно-статический очерк средней и южной части Сурханской долины // Сб. геогр. топог. и статис. материалов по Азии. Выт. 57. - СПб., 1894. - С.377.
- 20 Турсунов С., ва бошқ. Сурхондарё этнографик макон.–Т.: Академнашр. 2011.–б.62.